O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 21 декабрь, сешанба № 152 (2040). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 21 декабря, 2004 г. № 152 (2040). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

Сайловга саноқли кунлар қолди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев бошқарди.

Мажлисда алоқадор идора ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва хорижий кузатувчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Аъзам Избосаров, Ички ишлар вазири ўринбосари Зуҳриддин Бобокалонов ҳамда Мудофаа вазири ўринбосари Маннобжон Аҳмедовнинг сайловга тайёргарлик борасидаги ишлар юзасидан ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 120 сайлов округи тўлиқ телефонлаштирилган. Шу билан бирга, алоқа воситалари ва хизматлари узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида мутахассисларнинг навбатчилиги ташкил этилди. Жойларда захира учун телефон аппаратлари, кабеллар, транспорт воситалари ва ёнилғи тайёрлаб қўйилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Марказий банк мутахассислари билан ҳамкорликда Марказий сайлов комиссиясининг ягона компьютер тармоғи яратилди. Бу сайлов куни барча округ сайлов комиссиялари билан боғланиш имконини беради.

Мамлакатимиз ҳудудидаги барча сайлов округлари ва участкаларида, сайлов куни овоз бериш ҳоналарида ёнғин хавфсизлиғини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини жиддий назорат қилиш ва умуман, ана шу муҳим оммавий тадбирни тинч ва бехавотир ўтказишдек масъулиятли вазифа алоҳида эътиборда турғани таъкидланди.

Қуролли Кучлар тизимида ҳам сайловга тайёргарлик кўтаринки руҳда бораётир. Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилувчи бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари тузилди. Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар ўртасида, оммавий ахборот воситаларида бу галги сайловларнинг мазмунмоҳияти ва аҳамияти кенг тушунтирилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси вакиллари жойларда бўлиб, сайлов округлари ва участкаларининг сайловга тайёргарлиги билан боғлиқ аҳволни чуқур ўрганмоқда. Комиссиянинг ўтган галги мажлисида ушбу масала атрофлича танқидий таҳлил этилганди. Оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам айрим сайлов участкаларидаги қониқарсиз ҳолатларга бир неча бор эътибор қаратилди.

Йиғилишда мазкур масала юзасидан Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани ҳокими Бахтиёр Ҳакимов, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ҳокими Абдураҳим Чориев ва Сирдарё вилояти Янгиер шаҳри ҳокими Аҳад Остоновнинг ахбороти тингланди. Тегишли ҳудудларда бу борада йўл қўйилган баъзи камчилик ва нуқсонлар бартараф қилингани қайд этилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА мухбири.

ЖАНГОВАР ХИЗМАТИМИЗ — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 13 йиллигига

● ХИЗМАТ ЖОЙИМ — САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ РЕЗЕРВИ

Тренажёрда кўникмалар орттириб

Офицер Камолиддин Шеров хизмат қилаётган сафарбарлик чақируви резерви батальонидамиз. Бу ерда эътиборимизни тортган нарса аввало компьютерлаштирилган ўқ отиш тренажёри бўлди. «Ўт очиш тайёргарлиги машғулотини интиқлик билан кутамиз», дейишди ойлик йиғин иштирокчилари баралла. Замон билан ҳамнафас бўлиш, замонавий технологияларнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланишда гап кўп. Аммо уларни тўғри қўллай билиш, имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учун малакали мутахассис лозим. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Дилёр Давлатовни ана шундайлар сирасига қўйиш мумкин. У ўқ отиш тренажёрида йўриқчи сифатида фаолият кўрсатади. Биз билан суҳбатда профессионал посбон, жумладан шундай деди:

— Нафақат ойлик йиғин қатнашчилари бўлган сафарбарлик чақируви резервидаги фуқароларга, балки муддатли хизмат аскарларига ҳам ўт очиш тайёргарлигидан сабоқлар бераман. Тренажёрда пистолет, автомат, гранатомёт, мерганлик қуролидан нишонга отишни машқ қилишади. Дастлабки уринишда хатоликлар бўлади. Бу кўпроқ қўл силкинишлари билан боғлиқ. Муҳими шундаки йўл қўйилган хатоликларнинг барини посбонлар компьютер орқали кўришади. Уларни изоҳлаб, обдон тушунтираман.

Маълумки, саноқли кунлардан сўнг улкан снёсий воқеа — Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайлов бўлиб ўтади. Участка сайлов комиссияси раиси подполковник Халил Юсупов ойлик йиғин иштирокчиларининг бу борадаги тайёргарлигига қисқача шундай изоҳ берди: «Таргибот-ташвиқот ишларини талаб даражасида олиб бордик. Турли учрашув, суҳбатларда сафарбарлик чақируви резервидаги фуқаролар сайлов борасида кўплаб маълумотларга эга бўлишди. Сайлов ҳақида кенг тушунча, тасаввурга эгалари эса сафдошларига тушунтиришди».

Умуман олганда, ойлик йиғин сафарбарлик чақируви резервидаги фуқароларга бир умрга татигулик сабоқлар бераяпти, ҳаётга, келажакка бошқача кўз билан қарашга ўргатаяпти.

Майор Ш. ТОЛМАСОВ.

● ТВОИ СЫНОВЬЯ, УЗБЕКИСТАН!

Для того, чтобы стать курсантом Ташкентского ВОКУ, Жасур Ирисов прошел путь от помощника гранатометчика до обладателя титула «лучший сержант» Министерства обороны, который он завоевал на конкурсе на лучшего специалиста Вооруженных Сил.

На второй странице сегодняшнего номера читайте рассказ о молодом человеке, посвятившем себя профессии защитника Родины.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР, ФАОЛЛАР

Янги ўқув йилининг дастлабки ойи ҳам якунига етиб бормоқда. Илк натижалар, қўрсаткичлар мавсумнинг янада қизғин, кўтаринки руҳда ўтишидан далолат беради. «Жонажон Ўзбекистонни севиб ардоқлаш, юксак касбий маҳорат, интеллектуал салоҳиятни ошириш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир!» — дейнлади бошланган ўқув йилининг шиорида. Қисм ва бўлинмалар фаолиятига назар солсангиз уларда олиб борилаётган ишлар юқоридаги шиорга ҳамоҳанг тарзда эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Офицер Темур Жумаев хизмат қилаётган мотоўқчилар батальони ўтган ўқув мавсумида яхши натижалар кўрсатиб, Жанубиғарбий махсус ҳарбий округда етакчи ҳарбий жамоалардан бири эканини намойиш қилди. Аҳил жамоанинг ютуғи бу ерда тарбиявий ишларнинг аъло даражада йўлга қўйилганлиги билан боғлиқдир, десак хато қилмаган бўламиз. Ҳар бир ҳарбий хизматчи билан алоҳида суҳбатлар, кундалик машғулотларнинг жанговар тайёргарликни оширишдаги ўрнини барчага бирдек тушунарли қилиб етказиш, юксак даражада ташкиллаштирилган амалий машқлар муваффақиятлар заминни экани бугун ҳаммага маълум.

— Шахсий таркиб учун барча шароитлар кўнгилдагидек яратилган, — дейди батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Ботир Бозоров. — Кенг ва ёруғ ётоқхоналар, замонавий усулда жиҳозланган машғулотлар ўтиладиган синфхоналар, кутубхона улар хизматида. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Термиз шаҳар кенгаши билан ҳар томонлама фойдали бўлган турли тадбирларни амалга ошириб боряпмиз. Коллеж ва лицей талабаларига жамоамизнинг энг илғор, етук ҳарбийлари иштирокида мунтазам ватанпарварлик дарслари ўтказиш йўлга қўйилган. Булар халқнинг ажралмас қисми бўлган армияда соғлом жанговар руҳнинг юксак даражада бўлишини таъминлайди.

«Мотоўқчи» деворий газетасининг байрам сони дастлабки илғорлар номини эълон қилди. Улар орасида шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Баҳодир Раджабов, Абдурашид Искандаров, оддий аскарлар — Иркин Тошпўлатов, Мирмуҳсин Мирсултонов, Саид Пўлатов, Эркин Шодиҳўжаевлар бор.

— Ўтган мавсумдаги кўрсаткичларни ёмон бўлмади, — дейди биз билан суҳбатда оддий аскар Эркин Шодиҳўжаев. — Имкониятларимни ҳисобга олиб кўрадиган бўлсам бундан ҳам яхши натижаларга эришишим мумкинлигига ишонаман. Вазнфам алоқачи. Бу ишнинг му-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИНИНГ БАҲОСИ

2004 йилнинг 9-17 декабрь кунлари Халқаро валюта фондининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти маслаҳатчиси Жон Вейкман-Линн раҳбарлигидаги миссияси Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Миссия аъзолари ташриф давомида давлат бошқарув органлари вакиллари билан жорий йилда республика иқтисодиётини ривожлантириш масалаларини муҳокама этди ҳамда 2005 йилда ва яқин истиқболдаги иқтисодий прогнозлар кўрсаткичларини таҳлил қилди.

Томонлар Халқаро валюта фонди, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки ўртасидаги ҳамкорлик самарали мулоқот ва ўзаро ишонч асосида амалга оширилаётганини таъкидлашди. Миссия талаб этилган маълумотлардан фойдаланишда катта имконият яратиб берилганлиги учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Миссия Халқаро валюта фонди ва бошқа молия институтлари билан яқин ҳамкорликда ишлаб чиқилган макроиқтисодий ва тузилмавий ислоҳотлар дастурларининг ҳукумат томонидан амалга оширилиши натижасида 2004 йил иқтисодий ўзгаришлар жараёнида кескин юксалиш йили бўлганлигини мамнуният билан қайд этди.

Халқаро валюта фонди делегацияси Ўзбекистон ҳукуматини 2004 йилдаги юқори иқтисодий натижалар билан, чунончи, ялпи ички маҳсулотнинг 7 фоиздан кўпроқ, ташқи савдодаги ижобий баланс 1 миллиард доллардан зиёдроқ ва олтин-валюта захираларининг 30 фоиздан кўпроқ ошганлиги билан қутлади.

Миссия Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни жадаллашганини, жумладан, кенг кўламли хусусийлаштиришни, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликларини тугатиш ҳамда уларнинг негизида хусусий фермер хўжаликларини ташкил этиш ишларини, жамғарма пенсия тизимини жорий этиш бошланганини, ҳукуматнинг иқтисодиётни бошқаришдаги иштирокини камайтиришга қаратилган маъмурий ислоҳотларни ўтказиш борасида олиб борилаётган ишларни қайд этди.

Миссия Ўзбекистон ҳукуматини 2004 йилги бюджетни бажаришда юқори натижаларга эришгани билан табриклади. Бюджетни Марказий банк томонидан молиялашга таянишни тўхтатиш ҳамда бу снёсатни 2005 йилда давом эттириш ҳақидаги қарорни маъқуллади.

Халқаро валюта фонди миссияси Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг макроиқтисодий дастури ва 2005 йилда амалга оширладиган тузилмавий ислоҳотларини қўллаб-қувватлайди. Халқаро валюта фонди экспертлари қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳукуматнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни давом эттириш, банк соҳаси ва тураржой-коммунал хўжалигида ислоҳотларнинг янги босқичини ўтказиш, солиққа оид қонунчиликни такомиллаштириш, бюджетни бажаришнинг ғазначилик тизимини ташкил этиш ва ташқи иқтисодий савдо фаолиятининг қонунчилик базасини Жаҳон савдо ташкилоти стандартларига мувофиқ ривожлантиришга доир саъй-ҳаракатлари муҳимлигини таъкидлади.

Фонд экспертлари Марказий банкнинг келгусида нақд пул тақчиллигига йўл қўймаслик ва банкларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришга доир ҳаракатларини маъқуллади. Ҳукумат ва Марказий банк пластик карточкаларни жорий этиш барча томонлар учун ихтиёрий бўлишини қатъий таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки Халқаро валюта фонди миссиясига самарали, очиқ мулоқот учун миннатдорлик билдирди, унинг тавсиялари 2005 йил ҳамда яқин келажакда иқтисодий снёсатни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда диққат билан кўриб чиқилиши ва инобатга олинишини қайд этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 21 декабрдан бошлаб қайта молиялаш ставкасини йиллик 18,0 фоиздан 16,0 фоизгача туширди.

● ВЕСТИ ИЗ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ

Душа коллектива

Не секрет, что некоторые выпускники школ, поступив в военное училище, не сразу вливаются в дружный курсантский коллектив. На помощь им приходят те, кто попал в училище, пройдя армейскую школу. Курсант Дильшод Умурзаков был десантником, курсант Шакиржон Нуриддинов пришел из пограничных войск, курсант Ойбек Сулаймонов был матросом. Все они обладают большим опытом службы, хорошо знают требования Общевоинских уставов, являются отличными специалистами. В ходе практических занятий именно они первыми укладываются в требования нормативов, на отдыхе — задают тон в любой компании.

Бывшие солдаты с первых дней показывают деловой настрой на отличную учебу, пример дисциплинированности и исполнительности. Они — душа воинского коллектива, первые помощники командиров и преподавателей, образец для подражания.

Майор Ахтам МУХТАРОВ.

● В ТАШКЕНТСКОМ ВОЕННОМ ОКРУГЕ

ПОБЕДИТЕЛИ ОПРЕДЕЛЕНЫ

Стали известны имена лучших специалистов, победителей соревнования в 2003 — 2004 учебном году в Ташкентском военном округе.

Победители состязаний в воинских частях и подразделениях ТВО боролись не только за личное первенство, но и за право представлять столичный военный округ на состязаниях в масштабах Вооруженных Сил. Офицеры и сержанты прошли тестирование по вопросам общественно-политической, тактической, огневой подготовки, знанию руководящих документов. Они состязались в выполнении упражнений и нормативов по огневой и физической подготовке, вождении, военной топографии и по другим предметам обучения.

В номинации «лучший сержант» победителем стал младший сержант Нодир Мамарахимов. Лучшим командиром группы назван старший лейтенант Бахром Кулмуратов. В номинации «лучший командир взвода» в острой борьбе на первое место вышел старший лейтенант Акмал Ортиков. А лучшим командиром батальона строгое жюри признало капитана Мирзаходжу Супиходжаева.

Подполковник В. КАЛОШИН, корр. «Ватанпарвара».

● ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАДБИРЛАРИ

КУРСАНТЛАР ҲУЗУРИДА

Кейинги йилларда ота-оналар, кенг жамоатчилик вакилларининг ҳарбий қисм ва муассасаларга ташриф буюришлари, юртимиз посбонлари ҳаёти, Қуролли Кучларимиздаги туб ўзгариш, янгиликлар билан яқиндан танишишлари анъанага айланиб қолган. Бундай тадбирларнинг тарбиявий, маънавий-маърифий аҳамияти ҳам юксалиб бормоқда. Айниқса, 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни олдидан ватанпарварлик руҳидаги тадбирларнинг янада кўпроқ ўтказилиши, уларнинг ранг-баранглиги ошиши ҳам халқимизнинг ҳарбийларимизга бўлган юксак ишончи, ҳурмат ва эҳтиромининг яққол ифодаси ҳисобланади.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлиб ўтган «Очиқ эшиклар куни»да ҳам меҳмонлар — устоз ўқитувчилар, курсантлар буни юракдан ҳис қилдилар, дейиш мумкин.

Тадбир ўзига хос режа асосида бошланди. Билим юрти тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи подполковник Алишер Худойбердиев мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент Бирлашган техника мактаби бошлиғи подполковник Виктор Агзамов бошчилигидаги кўп сонли курсантларга билим юрти тарихи, бугунги куни, ушбу ўқув даргоҳида замон талабларига жавоб берадиган ҳарбий профессионалларни тайёрлаш жараёни хусусида кенг маълумот берди. Шундан сўнг йиғилганлар жанговар ўт очиш қуроллари кўргазмасига таклиф этилди. Катта ўқитувчи Маҳмуджон Эшовнинг жанговар қуроллар ҳақидаги батафсил маълумотларини бўлгуси посбонлар катта қизиқиш билан тинглашди.

Меҳмонлар курсантларнинг кенг, ёруғ ётоқхоналари, зарур воситалар, техник жиҳозлар билан таъминланган ўқув, маданий-маиший хоналари, спорт, жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун яратилган намунали шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Кўпчилик йигитларнинг қалбида офицерлик касбига ҳавас, истак уйғонди бугун.

«Очиқ эшиклар куни»нинг тантаналi қисми билим юрти клубида давом этди. Йиғилганлар ҳузурида республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Садриддин Ҳасанов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бўлими бошлиғи Нуриддин Маматовлар сўзга чиқишиб, мустақил Ватанимизнинг содиқ ўғлони бўлиб камолга етиш, халқимизни муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир йигит учун ор-номус, шараф иши эканлигини, йилдан йилга ҳарбий хизматнинг нуфузи ошиб бораётганини мамнуният билан таъкидлашди. Ҳарбийлик касбини танлаган ўғлонларга ўқиш ва келгуси хизматларида катта муваффақиятлар тиладилар.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг энг аълочи, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган курсантлар учун таъсис қилинган махсус стипендияси давомли қарсаклар остида курсант Шавкат Тўйчиевга топширилди.

Ушбу тантанада Мудофаа вазирлиги Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси бўлим бошлиғи майор Фахриддин Қурбонов, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Холида Аҳмедова, бошқарма бош мутахассиси Шавкат Режапов, «Оила» илмий-амалий маркази масъул ходими Умида Темуровалар ҳам иштирок этдилар.

Ёш, иқтидорли эстрада хонандалари — Аслиддин Дўстов, Лазиз Ҳалимов, Раъно Қосимова, Замира Орипова, майор Абдулатиф Жалилов, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Олимжон Едгоров ижросидаги дилрабо қўшиқлардан иборат концерт дастури, қизиқчи Санжар Шодиевнинг кулгили ҳангомалари барчага манзур бўлди.

Майор Азимбек УСМОНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Сайёрамиз садоси • Пульс планеты

Антонио Русмини, один из руководителей «Ндрангеты» — калабрийской мафии, которая, по данным экспертов, превосходит в наркоторговле «Коза Ностру», арестован, сообщают правоохранительные органы. По их данным, Русмини скрывался от правосудия в течение 10 лет. Русмини обвиняется в нескольких убийствах, за которые ему уже заочно вынесен приговор о пожизненном заключении.

***

Правительство РФ не снимает с повестки дня задачу удвоения ВВП за десять лет. Об этом заявил премьер-министр Михаил Фрадков. «Мы не снимаем с повестки дня задачу удвоения ВВП за 10 лет, но пытаемся разорвать порочную практику зависимости экономики только от нефтяных цен», — сообщил Фрадков на совещании президента с членами правительства.

***

В китайской провинции Шаньси, основном угледобывающем регионе страны, власти утроили компенсацию, которая выплачивается родственникам погибшего в шахте горняка. Теперь семья, оставшаяся без кормильца, получит единовременное пособие в размере 24 тыс. долларов.

***

Министерство обороны России в 2005 году приступает к серьезным закупкам новейшей военной продукции. Об этом доложил президенту Владимиру Путину министр обороны Сергей Иванов. В частности, по его словам, в 2005 году начнутся закупки новой боевой машины десанта БМД-4.

***

Колумбийские правоохранительные органы раскрыли вторую за последнюю неделю попытку покушения на президента этой страны — Альваро Урибе. По словам полковника полиции Маурисио Агудело, было обнаружено 110 кг взрывчатки, принадлежащей повстанцам из леворадикальной группировки рядом с президентским аэропортом в Картахене. По предварительным данным, повстанцы намеревались атаковать президентский самолет сразу же после его приземления. Ранее сообщалось, что в одном из районов Боготы 16 декабря был обнаружен замаскированный автомобиль со взрывчаткой.

***

Австралийские власти заявили, что в ближайшем будущем рассмотрят вопрос о присоединении к Киотскому протоколу при условии, что он «будет существенно дополнен». Об этом заявил министр окружающей среды Ян Кемпбелл. По его словам, «США и развивающиеся страны тоже должны принять активное участие в этом соглашении. Если мы не сделаем этого, планета будет находиться в серьезной опасности». Таким образом, как отмечают наблюдатели, США остаются единственным государством из развитых стран, которые отказываются подписать Киотский протокол.

***

В ходе израильской военной операции в секторе Газа в лагере палестинских беженцев Хан-Юнис уничтожено 39 домов местных жителей. Об этом заявили представители ООН. Операция в Хан-Юнисе была начата в ответ на многочисленные обстрелы израильской территории с юга сектора Газа, в результате которых погиб один израильтянин и 17 были ранены.

***

Число жертв двух воскресных терактов в Ираке — в городах Эн-Наджаф и Кербела выросло до 246, сообщают представители местных властей. В результате взрыва автомобиля в Эн-Наджафе погибли, по последним данным, 52 человека, еще 140 получили ранения, в Кербеле погибли 14 человек, 40 получили ранения.

(По страницам Интернета).

Омадга эмас, ўзига ишонган ғолиб

Дунё устунларидан бири эр йигитлардаги орияту ғайратнинг собитлигида, дейди донолар. У ориятн билан она юртини асраб, кифтида тутса, ғайрати билан уни обод ва гулистон этади. Мен шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Сайриддин Одинаев билан суҳбатлашар эканман, йигитдаги Ватанга, элига нисбатан ўзига хос соддалиққа йўғрилган, яъни ҳар қандай мақтовли сўзлардан холи меҳр ва фидойилик ҳаётида устувор эканлигини дилдан ҳис қилдим. Балки уни ҳарбий хизматга чорлаган ҳам кўксида бош кўтариб турган ушбу хислатлар бўлса ажабмас.

Бундай йигитлар қаерда, қандай вазифада хизмат қилмасин, олдинги сафда бўлиши табиий ҳол. Улар кимлардандир устун бўлиш учун, мақтов эшитиш учун хизмат қилишмайди. Улардаги меҳнатсеварлик, қатъий интилиш, ишончни оқлаш йўлидаги ҳаракатнинг ўзи бундай йигитларни юзага чиқаради.

Сайриддин муддатли хизматни ҳаво десанти қўшинларида ўтаган. Ўша чоғлардаёқ унинг командирлари йигитдан профессионал хизматнинг ҳар қандай йўналишларига жавоб бера оладиган ҳарбий хизматчи етишиб чиқишини башорат қилишган эди. Бироқ у йигитлик бурчидан сўнг, оиласига қайтишга, рўзғорга таянч бўлишга мажбур бўлди. Балки бу ҳолатга оила бошлиғи отаси Тангриқул акани бевақт ҳаётдан кўз юмиб, оиладаги етти фарзанднинг тарбия ва таъминоти Ойбиби опанинг зиммасига юклананлиги сабаб бўлгандир. Аммо бу узоққа чўзилмади. Онаси ва оиласидагиларнинг қўллаб-қувватлаши билан у 2001 йили шартнома бўйича хизматини давом эттиришга эришди. Ҳозирда гуруҳ командирининг ўринбосари. У ҳар галгидек қишки ўқув мавсумини ҳам ўзига бўлган ишонч, янгича иштиёқ билан бошлади. Чунки Сайриддиннинг ҳаётдаги шиори «Омадга эмас, ўзига ишонган ғолиб».

Биз ўзига ишонган юрт посбонининг хизматда эришган ютуқлари тўғрисида қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Тўлқин Маматалиевдан ўринли фикрлар эшитдик:

— Кичик сержант Одинаев хизмати, ҳар қандай ҳолатда ўзини қўлга олиши, нафақат машғулотларда, балки ҳарбий жамоада ўтказиладиган ҳар бир тадбирларда фаоллиги билан ҳам сафдошларига ўрнак. У жуда софдил ва ҳаракатчан. Назарий ва амалий машғулотларнинг барчасида бирдек қизиқиш ва иштиёқ билан иштирок этади. Шу сабабли бўлса керак, якуний синов имтиҳонларида доимо олдинги сафларни эгаллаб келган. Бундай посбонлар ҳарбий жамоанинг фахри ҳисобланади, шубҳасиз.

Ҳа, айтгандек биз қаҳрамонимизнинг тайбокс бўйича спорт устаси эканлигини айтишни унутибмиз. Сайриддин учун ҳарбий хизмат билан бирга спорт билан доимо шуғулланиши ҳам ҳаёт мазмунига айланган. Йигитдаги норғуллик, спортга бўлган иштиёқ баландлиги Тайбокс федерацияси Сурхондарё вилоят бўлими бошлиғи Алишер Алимовни беэътибор қолдирмади. У йигитдаги бу қобилиятни тарбиялаб, ривожлантириб борди. Шогирди тайбокс бўйича бир қатор мусобақаларда — 2000 йилда Украинанинг Феодосия шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионати мусобақаларида тўртничи ўринни, 2001 йилдаги Ўзбекистон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаб, устози ишончини оқлади. У шу кунга қадар ҳам тайбокс билан шуғулланишни канда қилган эмас.

Мен Сайриддиннинг спорт билан шуғулланишидан огоҳ бўлганимдан сўнг, сафдошларидан бирининг «Ўтган синов имтиҳонидаги жисмоний тайёргарлик машғулотида Сайриддин турникка ўттиз марта тортилганидан сўнг, командиримиз уни тўхтатди», деган сўзларини эсладим.

У бу йил илк бор Қуролли Кучларимиз бўйича ўтказилган Умумармия спорт мусобақаларида иштирок этиб юқори ўринларни эгаллади. Қаҳрамонимизни спортда эришган бир қатор муваффақиятлари билан таништар эканман, нима учун уни спорт соҳаси эмас, ҳарбийлик касбини танлагани билан қизиқдим.

— Мен юрт ҳимояси — ҳарбийлик касби ҳақиқий эр йигитнинг вазифаси, деб ўйлайман, — дейди Сайриддин. — Албатта спортдан ҳам воз кечганим йўқ, имкон туғилди дегунча шуғулланаман. У менга куч-қувват, хизматдаги вазифамни иштиёқ билан бажаришимга имконият яратиб беради. Олдимга қўйган асосий вазифам эса, сержантлар мактабида таълим олиб, миллий армиямизнинг профессионаллари сафида бўлиш.

Камтар камолга етади, деганларидек разведкачилар бўлинмасининг илғор хизматчиларидан бўлган кичик сержант Одинаевдан бугун ҳар бир сафдоши ўрнак олишга, эгаллаган билим ва тажрибаларидан ўрганишга интилади. У эса хизматда эришган ҳар бир ютуғида устозлари — подполковник Баҳриддин Абдуллаев, капитан Дилшод Бердиев, катта лейтенант Иноят Мусурмоновларнинг ҳиссаси борлигини таъкидлаб ўтди. Биз эса академик шоиримиз устоз Ғафур Ғулом «Ғойибдан келган бахт бу бир афсона», деганларидек, ғойибдан келадиган омадга эмас, ўзига ишонган қаҳрамонимизга улкан ютуқлар тилаб қоламиз.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ АЛОҚА ТИЗИМИ ФОШ ЭТИЛДИ

ГФР хавфсизлик идоралари Европа ҳудудида қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширишни режалаштираётган экстремистлар тўдасининг яширин алоқа тармоғини аниқлади. Террорчиларнинг электрон почта қутисидаги ёзишмаларни кузатиш ҳамда телефон сўзлашувларини тинглаш имконияти пайдо бўлди.

Бир неча ой илгари немис полицияси томонидан «Ансор ал-Ислом» жангариларидан бири ҳибсга олинганди. У жорий йилнинг ноябрида Берлинга ташриф буюрган Ироқ бош вазири Айёд Алавийга суиқасд тайёрлашда гумон қилинаётир. Тергов вақтида жиноятчи ўз ташкилоти аъзоларига тегишли махфий электрон почта адреслари ва телефон рақамларини ошкор қилди.

«Ансор ал-Ислом» ташкилоти 2001 йилда Ироқ Курдистонида ташкил этилган ва асосий мақсади мамлакат ҳудудида диний бошқарув шаклига эга тузум — Халифатни ташкил этишдир. Ўтган йили ташкилот аъзолари хорижий мамлакатларга қочишга мажбур бўлганди. Буюк Британия, Германия ва Канада ҳудудида ушбу жиноий уюшманинг бўлимлари ташкил этилди. ГФР бош прокурори Кай Немнинг сўзларига қараганда, «Ансор ал-Ислом» тадбиркорлик фирмаси ниқоби остида Ироқдаги жангари тўдаларни молиявий таъминлаш билан шуғулланиб келган.

Ҳибсга олинган террорчидан Ироқ ҳудудида амалга оширилган уч юзга яқин қўпорувчилик ҳаракати акс эттирилган видеолавҳа мусодара қилинди. Бу хунрезликлар оқибатида мингдан зиёд одам ҳалок бўлган.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

● ВОЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ НОВОСТИ

ЛИДЕР «АБУ САЙЯФ» ВОЗМОЖНО УБИТ

Лидер филиппинской исламистской организации «Абу Сайяф» Каддафи Джанджалани, возможно, был убит в результате вертолетной атаки в одном из районов на юге острова Минданао, сообщают филиппинские военные источники. По информации полковника филиппинской армии Джерри Джаландони, лидер «Абу Сайяф» был опознан среди нескольких убитых боевиков еще в ноябре. В то же время он подчеркнул, что эти данные пока официально не подтверждены.

ПОГИБЛИ ПОЛИЦЕЙСКИЕ

По меньшей мере четверо афганских полицейских погибли, еще четверо получили ранения в результате обстрела КПП на юге Афганистана, сообщают источники в правоохранительных органах. По их данным, нападение было совершено в районе Майванд-кареза, в 65 км к западу от Кандагара.

(По страницам Интернета).

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР, ФАОЛЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

раккаб томонлари кўп. Жанговар машқларнинг нечоғли муваффақият билан ўтиши менинг вазифамни қай даражада мукаммал билишимга ҳам боғлиқ экан.

— Вазифаларимиз ҳар хил бўлгани билан уларни бир-биридан айрича тасаввур қилиш мумкин эмас, — дея суҳбатга қўшилади яна бир оддий аскар Иркин Тошпўлатов. — Ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ эканлиги муваффақиятли якунланган машғулотларда янада аниқ кўзга ташланади. Ҳар бир посбон томонидан берилган вазифанинг бекаму кўст бажарилиши узвий боғлиқ бўлган умумий ишимизнинг ютуғини таъминлайди.

Жамоада ҳалол ва фидойиларча хизматлари билан кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлганлар талайгина. Лейтенант Тоҳир Жабборовнинг жамоада хизмат қилаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, қисқа фурсатда ёш офицер нималарга қодир эканини намоён қила олди. Қуролли Кучларимизнинг умидли ёш офицерларидан бири сифатида ҳақли равишда эътироф этилган лейтенант Тоҳир Жабборов ҳарбий жамоанинг фахрига айланди. У «Энг яхши мутахассис» танлови бўйича округ миқёсида фахрли 1-ўринни эгаллади. Ёш офицер муваффақиятларининг бош сабабчиси сифатида ўзаро ҳурмат, ишонч ҳамиша устувор бўлган ҳарбий жамоасини тан олади.

Жамоанинг яна бир фахри шартнома бўйича хизмат қилган сержанти Шуҳрат Беганов. Сержантлар армиямизнинг суянчи ва таянчи деган ишончни Шуҳрат фидойиларча хизмати билан оқламоқда. У ҳам юқоридаги танловда сержантлар орасида фахрли 1-ўринни эгаллади.

— Жамоамизда шундай офицерлар борки, энг мураккаб вазиятларда ҳам билим ва иқтидорларини ишга солиб, ишончли ҳимоячи эканликларини намоён эта оладилар, — дейди майор Ойбек Бобониёзов. — Катта лейтенант Баҳодир Гадоев тажрибали офицер сифатида ҳарбий жамоада ўз мавқеига эга. Катта лейтенант Толиб Умаров маҳоратли офицер сифатида кўпчиликнинг ҳурматига сазовор. Лейтенантлар — Олег Филипов, Шуҳрат Ҳақбердиевлар фаолияти Қуролли Кучларимиз сафи умидли офицерлар билан бойиганини кўрсатади. Жамоа улар каби фидойилари билан янги ўқув йилида янада юксак натижаларни кўрсатишга аҳд қилган. Дастлабки муваффақиятларимиз Қуролли Кучларимизнинг шонли 13-йиллигига муносиб туҳфа бўлсин. Қутлуг сана билан барча-барчани ҳарбий жамоамиз муборакбод этади.

Ҳарбий жамоа дастлабки ютуқлари билан чекланиб қолмоқчи эмас. Олдинда мураккаб, қизғин синовлар турибди. Аҳил жамоа аъзолари бир-бирларига елкадош бўлиб энг яхши натижалар кўрсатишига биз ҳам ишонамиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Твои сыновья, Узбекистан!

Беседы курсанта Ирисова

КАК НАЙТИ ОБЩИЙ ЯЗЫК

Раздался настойчивый стук в дверь и командир курсантского взвода старший лейтенант Шухрат Умаров оторвался от изучения руководящих документов. Судя по манере стука, — это заместитель командира первой группы курсант Ирисов.

— Войдите!

В канцелярию смело шагнул невысокого роста, крепкого телосложения курсант.

— Разрешите доложить о выполнении поставленных задач?

— Докладывайте.

Ирисов говорил четко, словно читая заранее написанный текст, подробно рассказывая о проделанной работе по каждому пункту полученных утром указаний.

Командир взвода, вслушиваясь к словам доклада, задумался. Да, нелегко курсанту командовать подчиненными на первом курсе. Среди первокурсников, воспитанных в разных общественных условиях, немало тех, кто с трудом привыкает к жесткой военной дисциплине и суровым учебным будням.

— И еще личный вопрос.

— Хорошо, продолжайте.

— Никак не могу найти общий язык с однокурсниками. С отслужившими в армии Уткиром Азимовым, Абдулатифом Аликуловым, Камалом Суяровым — понимаем друг друга с полуслова. А вот с теми, кто после школы... Может, с ними надо построже? Для их же пользы?

Старший лейтенант еще раз внимательно посмотрел во взволнованное лицо подчиненного. Все-таки есть в нем то, что выделяет его даже среди отслуживших в армии сокурсников. Никто так сильно не переживает за порученное дело. Получив задачу, немедленно начинает работу, никогда не ждет напоминаний. И всегда докладывает командиру об итогах ее выполнения.

— Могу дать совет из личного опыта. Поменьше назидательства. Будьте для них примером. Чаще беседуйте с ними. Расскажите о себе — я уверен, это поможет.

— Есть, товарищ старший лейтенант. Вопросов не имею.

БЕСЕДА ПЕРВАЯ: ВОЛЯ РЕШАЕТ ВСЕ

В этот же вечер курсант Ирисов, освободившись от немалого груза забот, решил в первый раз основательно поговорить с подчиненными. Для начала он собрался рассказать о том, что было не очень приятно вспоминать, но должно было вызвать интерес у вчерашних школьников.

— В 1999 году я уже побывал здесь, в Ташкентском ВОКУ, — начал он свою беседу с однокурсниками. — Во время обучения в средней школе, в Узунском районе Сурхандарьинской области, у меня, как и у всех вас, было огромное желание поступить в военное училище. Как мне казалось, для успешной подготовки к вступительным экзаменам было сделано все необходимое. Учился хорошо. Активно участвовал в военно-патриотической игре «Шункорлар», был командиром отделения. Наша команда, названная именем Джалолиддина Мангуберды, заняла второе место в области. Нам не хватило всего нескольких баллов для того, чтобы поехать на республиканские соревнования. В успехе команды был и мой личный вклад. В тире стрелял лучше всех, занимал первые места, завоевывал призы и грамоты. Школьный преподаватель допризывной подготовки юношей сержант запаса Х. Аюбов поддерживал мой настрой и был во мне уверен.

Так же, как и большинство юношей, прибыв в училище и попав в палаточный лагерь абитуриентов, впервые столкнулся с необходимостью соблюдать дисциплину и распорядок дня. Вскакивал по команде «Подъем», строем ходил на прием пищи в столовую, готовился к экзаменам. Все шло хорошо. Но не поступил. Официально, причиной моего отъезда домой стала болезнь — ангина. Однако, положа руку на сердце, скажу прямо — не хватило выдержки и дисциплины. Позже, не раз мыслями возвращался к этим дням и понимал — прояви я большую волю, стойкость, выдержи все испытания — и заветные курсантские погоны лежали бы на плечах.

Внешне все в моей жизни в дальнейшем складывалось удачно. По возвращении в Сурхандарьинскую область, поступил в городе Термез в бизнес-колледж по престижной специальности — менеджмент. Однако полученного при поступлении в военное училище урока никогда не забывал. Начал заниматься национальной борьбой кураш, под руководством тренера Ильхома Даминова, мастера спорта. Интенсивные тренировки, участие в соревнованиях помогали формировать волю и настойчивость в достижении поставленной цели. На первых областных состязаниях занял третье место. На следующих — второе. В третий раз занял первое место в области и получил первый разряд по борьбе кураш.

А осенью 2000 года меня вызвали повесткой в отдел по делам обороны для призыва в Вооруженные Силы. Но это уже другой рассказ.

БЕСЕДА ВТОРАЯ: ХОЧЕШЬ КОМАНДОВАТЬ — НАУЧИСЬ ПОДЧИНЯТЬСЯ

На призывном пункте заявил — хочу только в десант. Хочешь — пожалуйста, ответили мне, но сначала пройди медкомиссию. Прошел без единого замечания и вскоре оказался в команде, направлявшейся в десантную часть. Вот здесь на курсах молодого бойца, я и понял, что те трудности, которые выпали на мою долю при неудачном поступлении в ТВОКУ, — мелкие неприятности. Будущих десантников командиры готовили на совесть с первого дня службы. Особенно нам доставалось от руководившего парашютно-десантной подготовкой капитана Б. Абдукадырова. Лично я до сих пор ему благодарен за требовательность. Именно он руководил моим первым прыжком с парашютом. А прыгнули мы еще до принятия Военной присяги!

Служба в десантном взводе под командованием старшего лейтенанта Анвара Джаборова запомнилась как жизнь в дружной солдатской семье, сплоченной единой целью — служить родной стране на совесть и стать лучшим взводом в десантной части.

С первого до последнего дня службы моя должность была не слишком велика — стрелок-помощник гранатометчика. Мой первый командир рядовой Сухроб Муродов поначалу скептически воспринял подопечного — юношу из Сурхандарьинской глубинки, закончившего бизнес-колледж. Убедившись, что по меткости огня на огневом рубеже я ему не уступаю, стал моим первым другом. Командир секции ташкентский парень младший сержант Сунатилло Пулатов, командир десантной группы лейтенант Акмаль Саидахмедов научили меня не только гордиться службой, но и очень важному правилу армейской жизни — хочешь командовать, научись подчиняться.

Семь прыжков с парашютом, участие в учениях с боевой стрельбой и в мероприятиях по противодействию силам международного терроризма и экстремизма закалили мой характер, научили при выполнении приказа думать. То есть не механически выполнять поставленную задачу, а ставить себя на место командира и начальника, и на совесть работать, так, как это необходимо для успешного выполнения приказа и учебно-боевой задачи всего подразделения. Когда наш взвод был объявлен лучшим в части, командование направило моим родителям благодарственное письмо. Моя мать прочитала его всем соседям, мной гордились, мне писали добрые письма. Все мы помним 2000—2002 годы — время, когда международные террористы попытались проверить на прочность независимый Узбекистан. В нашей части, как и во всех Вооруженных Силах, тогда был всплеск патриотических настроений. Каждый хотел внести свой личный вклад в дело защиты независимости и мирной жизни народа. К концу службы я окончательно решил стать профессиональным защитником Родины, то есть военнослужащим по контракту. Командир батальона капитан Хантов и другие начальники одобрили мой выбор, но теперь одного желания было мало. Мне предстояло пройти курс обучения в школе подготовки сержантов.

БЕСЕДА ТРЕТЬЯ: МАСТЕРСТВО САМО НЕ ПРИХОДИТ

В недавно образованную школу подготовки сержантов Восточного военного округа я поступил с хорошим настроением. И вновь пришлось все начинать сначала. К концу срочной военной службы я как-то уже вписался в свой воинский коллектив, приобрел определенный авторитет у командиров, в ШПС все пришлось начинать с начала.

В нашей учебной группе больше внимания уделяли изучению различных видов оружия. В частности, крупнокалиберные пулеметы, автоматический гранатомет, словом, то вооружение, которое значительно усиливает боевую мощь стрелковых, десантных и специальных подразделений на поле боя. В группе было немало опытных специалистов, уже не один год прослуживших на контрактной службе. Самыми близкими друзьями стали для меня Малик Махмудов и Музаффар Юнусов, с которыми познакомился еще во время прохождения срочной службы. Они мне много помогали, но и я тоже в долгу не оставался.

Опытным контрактникам, хорошо знавшим основы повседневной службы и материальную часть вооружения, тяжелее всего приходилось на занятиях по тактической подготовке. Преподаватели требовали от нас не просто выполнять приказы, а думать, мыслить тактически правильно, уметь самостоятельно организовать бой против сильного и коварного противника. Мне тактическая подготовка, организация боя давалась легче, так как я не был зациклен на старых тактических установках и лучше ориентировался в горных условиях. А поскольку и на трехкилометровом кроссе я постоянно финишировал первым, и результаты по стрельбе из всех видов оружия у меня были лучшие в школе, то мной заинтересовалось старшее командование. Начальник школы предложил остаться в качестве инструктора цикла вооружения и стрельбы. Предложение пришлось по душе, так как я понимал, что смогу сделать немало полезного, обучая будущих младших командиров обновляющихся Вооруженных Сил Республики Узбекистан, лично внесу свой вклад в формирование новой профессиональной национальной армии.

БЕСЕДА ЧЕТВЕРТАЯ: ПОБЕДУ ОПРЕДЕЛЯЕТ ИНТЕЛЛЕКТ

Одно дело, когда ты демонстрируешь свои лидерские качества в ходе очередного занятия по огневой подготовке, и совсем другое, когда от них зависит твоя честь и честь всего воинского коллектива. Провожая на состязания в округ лучших специалистов школы подготовки сержантов, начальник выразил уверенность, что мы обязательно станем лучшими. Ведь мы должны быть такими, раз нам доверено готовить кадры младших командиров для всего округа.

Состязания проходили три дня. Причем мы, младшие командиры, состязались рядом с офицерами, боровшимися за звание лучшего командира батальона, взвода и группы.

Мне было наглядно видно, как нелегко приходится современному офицеру в учебе и бою, как много он должен знать и уметь, чтобы отвечать предъявляемым военной реформой требованиям. В течение трех дней я был рядом с самыми достойными офицерами округа и могу смело сказать, что занявшие первое место в ходе состязаний делали порой невозможное. Да и у нас при состязании на звание лучшего военнослужащего по контракту слабаков не было. Мои соперники, действительно, были самыми лучшими сержантами в Восточном военном округе. Мне помогла отличная стрельба, хорошее знание руководящих документов и то, что на кроссе прибежал в числе первых. Однако, честно говоря, на полный успех не надеялся, и когда в числе победителей была названа моя фамилия, то поначалу и не поверил.

Поверить пришлось быстро, так как мы без передышки выехали в Чирчикское ВТКИУ для участия в состязаниях лучших специалистов частей Министерства обороны. Из всех округов приехали самые лучшие командиры батальонов, взводов и групп, сержанты по контракту. Стоя на открытии рядом с ребятами из боевых и разведывательных подразделений, красивых и мускулистых, уверенных в себе, имеющих боевые награды, в душе невольно испытывал робость. Но виду не подавал, ведь предстояло защищать честь Восточного военного округа, а это ко многому обязывало.

Как и все соискатели звания лучшего командира, прошел тестирование по вопросам общественно-политической, тактической, огневой подготовки, знанию руководящих документов. Затем мы состязались в вождении боевой техники, ведении огня из стрелкового оружия, кроссе на 3 км, выполнении нормативов по военной топографии, защите от оружия массового поражения, военно-медицинской подготовке, по другим предметам обучения.

Ход состязаний показал, что ребята из боевых и разведывательных подразделений, действительно, оказались крепкими орешками. Они много знали и умели. Особенно когда дело касалось практического выполнения задач и нормативов. Здесь мне и пригодились отличные навыки стрельбы. Никто из сержантов не сумел отстрелять упражнение учебных стрельб лучше меня. И «пулемет» и «ростовые фигуры» я уложил с первых выстрелов. Еще больше очков я набрал при решении тактических задач. В бою в конечном итоге побеждает интеллект, и мое понимание ведения современного боя было признано самым лучшим. А вот на кроссе мне быть первым не пришлось. Опередили офицеры, с которыми мы совершали общий забег.

Состязания завершились торжественным подведением итогов. Я был объявлен лучшим военнослужащим по контракту 2003 года. Объятия, поздравления... Такое не забывается.

БЕСЕДА ПЯТАЯ: ОФИЦЕР — ПРОФЕССИЯ ГЕРОИЧЕСКАЯ

Есть такое выражение: пройти огонь, воду и медные трубы. Для меня наступила пора медных труб. В торжественной обстановке получил диплом, ценный подарок. Был поощрен премией. Всех нас, победителей соревнований в округах, отправили на восстановление затраченных сил в дом отдыха.

По прибытии в школу подготовки сержантов ожидала торжественная встреча. Вновь поздравления. Начальник школы поощрил отпуском на десять суток, повидаться с родными.

Приехал домой, а там я чуть ли не национальный герой — во всех газетах моя фамилия, по телевизору мелькает мое лицо, все соседи сбегаются на меня посмотреть, вся Сурхандарья в курсе моих успехов. Что еще можно желать? Хорошая должность, успешная служба, осталось только найти хорошую жену, завести детей и зажить счастливо.

А мне как-то было не по себе. Запали в душу слова начальника школы, что теперь имею право, согласно положению о проведении состязаний, без экзамена поступить в любое военное училище.

До этих состязаний я не раз работал вместе с офицерами. Обучался у них, выполнял команды, получал поощрения. Но все это было на служебном уровне. В ходе состязаний, сначала в Восточном военном округе, а затем и в Чирчике, я увидел лучших наших молодых офицеров во время максимального напряжения сил. Затем на отдыхе, да еще с семьями. Общаясь с ними, убедился — это, действительно, самые достойные представители нашей армии, люди чести и долга, ставящие интересы общества и народа намного выше личных. Мне захотелось не только быть похожими на них, но и стать одним из них.

Поэтому, поделившись своими мыслями, с родителями, и получив одобрение, я решил начать все сначала — поступить в Ташкентское высшее общевойсковое командное училище. И 12 июля 2004 года вновь переступил порог ТВОКУ. В отличие от всех остальных, мое место в курсантском строю уже было зарезервировано. Однако для того, чтобы это произошло, потребовалось целых пять лет напряженной работы над собой, формирования в себе качеств настоящего военнослужащего и лидера коллектива.

ХОЧУ БЫТЬ ПОЛКОВОДЦЕМ

Взвод курсанта Ирисова по итогам соревнования, действительно, становится одним из лучших в батальоне. И в том, что это заслуга Жасура, никто не сомневается. А о его очень продуктивных беседах с сослуживцами узнал заместитель командира батальона по воспитательной работе. Поговорил с курсантом, поддержал его и, как бы между прочим, спросил: «А может вам есть смысл перейти во взвод, где готовят заместителей по воспитательной работе?».

— Вы же знаете, товарищ майор, ведь я сам выбрал взвод будущих командиров мотострелковых групп, — ответил курсант Ирисов. — Хочу стать настоящим общевойсковым офицером, окончить академию, командовать боевой частью. Узбекистану нужны полководцы, способные защитить народ от любой внешней угрозы. Я ведь не просто командовать хочу, а за людей отвечать. Чтобы служба у нас была на высоте, чтобы нами народ гордился. Дело непростое, но я постараюсь справиться.

И он справится. Прошло всего полгода учебы, а курсанта Жасура Ирисова уже хорошо знают на кафедрах вооружения и стрельбы, тактики и разведки. Порой однокурсники удивляются — как он всюду успевает? Талант не спрячешь — говорят в народе. И, если молодой человек поставил целью жизни служение народу независимого Узбекистана — он многого добьется.

Подполковник
Владимир КАЛОШИН,
корр. «Ватанпарвара».

Фото
Александра МРУЧАКА.

● ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ГУРУҲЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ЁРДАМ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КУРАШЛАРИ ТАРИХИДАН

Тарихдан маълумки, жаҳон халқлари тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатган юртимиз алломаларини бутун дунё билади. Қадим аждодларимизнинг фан ва маданият соҳаларидан ташқари, ҳарбий санъат тарихига ҳам муносиб саҳифалар битгани мутлақ ҳақиқат. Бундан икки минг йил аввал яшаган Рим олими Пилиний Сирдарё воҳаси аҳолисини «Скифлар» деб атаб, шундай сатрлар битган. «Яксартнинг орқасида Скиф қабилалари яшайди, форслар уларни сак деб атайдилар... Скиф халқларининг сони беҳисоб... улар орасида энг машҳурлари сак, массагет, дай, иссседон». Пилинийнинг замондоши Помпей Трог эса уларга қуйидагича таъриф беради: «Скифлар шонли ва қудратли бўлганлар, эркаклари Парфия ва Бактрия шоҳликларига асос солган бўлсалар, хотин-қизлари амазонкалар давлатини асослаганлар... Скифлар уч маротаба Осиёда ҳукмронлик қилганлар, ўзларига ҳеч шикаст етказмай озод қолганлар ва ҳеч енгилмаганлар. Форслар шоҳи Дорони шарманда қилиб, Скифиядан ҳайдаганлар. Кирни бутун лашкарлари билан ҳалок қилганлар. Буюк Искандар лашкарбошиси Зопирионни худди ўшандай, лашкари билан ўлдирганлар... Скиф халқи ҳам меҳнат, ҳам жангда қаттиққўл, жисмонан беқиёс кучли».

Эрамиздан аввалги V асрда яшаган Фукидид «Тарих» асарида «Агар скифлар ўзаро иттифоқ бўлиб яшасалар, улар давлатига нафақат Европа, балки Осиёда ҳам биронта халқ тенг келолмайди», — деб аждодларимизнинг жасур халқ бўлганини ёзади.

Эрамиздан аввалги IX—VI асрларда Марказий Осиёда яшаган сак, массагет, дах қабилалари ўз давлатларига эга бўлишган. Бу давлатлар Катта Хоразм ва Бақтрия подшолиги бўлиб, уларнинг ҳарбий-демократик конфедерация сифатида таърифланиши ҳам чуқур рамзий маънога эга. Чунки ўша давлатлар аҳолиси — саклар, массагетлар, хоразмийлар, чочликлар, дербиклар, даҳлар чет эл босқинчиларига қарши курашишда бир жон, бир тан бўлиб жанг қилганлар.

Бу олис тарих садолари ўзбек халқ оғзаки ижодига сингиб Гўрўғли, Алпомиш, Барчиной, Гулойим образларида, Широқ, Спитамен, Тўмарис, Абу Муслим каби тарихий қаҳрамон аждодларимиз сиймоларида жонланади. Ана шундай буюк аждодларимизнинг жаҳон ҳарбий санъати тарихида тутган ўз ўрни борлиги билан фахрланишга ҳақлимиз. Уларнинг ҳарбий тактикалари ва жанговар маҳорати хусусида қадим ҳинд, хитой, юнон ва Рим муаррихлари қолдирган асарлар ҳикоя қилади. Бу асарларда массагетлар маликаси Тўмарис сак, дах, дербик қабилаларидан иборат катта қўшин билан Амударё соҳилида форсларнинг Кир II (Кирёвуш), лашкарини мағлубиятга учратгани ҳақида маълумотлар берилади. 30 йил улкан Эрон давлатини бошқарган Кирёвушнинг эрамиздан аввалги 529 йилда массагетлар маликаси Тўмарисдан енгилиши ва ҳалок бўлиши чиндан ҳам ажабтовур ҳодиса эди. Тўмарис номи афсонага айланиб кетди.

Эрамиздан аввалги V асрда Эрон шоҳи Доро I лашкарини Қизилқум саҳросида ҳалокатга учратган сак йигити Широқ ҳам шундай афсонавий шахсга айланган. Эрамиздан аввалги IV асрда юнон-македон босқинчиларига қарши уч йил жанг қилган сўғд лашкарбошиси Спитаменнинг номи ҳам достонга айланган.

Македония шоҳи Александр истеъдодли лашкарбоши сифатида ҳарбий тарихга фаланга муаллифи сифатида кирган. Оғир қуроллар билан қуролланган ва ўзини қалқонлар билан пана қилган жангчилардан иборат зич маҳобат бир бутун бўлиб силжиб борганда ҳамма жанглар муваффақиятли ҳал қилинар эди. Александр уруш олиб боришнинг пухта тактикаларини қўллаб, улкан зафарларга эришди ва ўзига муносиб қаршилик кўрсатадиган рақибни учратмади. Фақат Ўрта Осиё тупроғидагина Спитамен раҳбарлигида халқ Александрнинг кўп минг сонли лашкарига қаттиқ қаршилик кўрсатди. Спитамен македон армиясини майда тўқнашувлар билан ҳолдан тойдиради. Натижада Александрга Ўрта Осиё ерининг ҳар бир бўлаги учун жанг қилишига тўғри келди. Сабаби, ҳар бир шаҳар ёки манзилгоҳ қалъага айланиб, душман йўлини тўсарди.

Айнан Ўрта Осиё Александр қўшинининг ҳужумкорлик руҳини сўндиради. Босқинчиларга қарши умумхалқ урушига раҳбарлик қилган Спитамен душман отрядларига ҳужум қилиб, тинимсиз партизан уруши олиб боради. Антик муаллифларнинг хабарларига кўра, Ўрта Осиёда яшовчи жанговар халқларда ҳарбий қуроллар, истеҳкомлар ва жанг олиб бориш санъати анчагина юқори ва юнон-грекларга номаълум усулларда бўлган.

Хусусан, Курций Руф қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Спитамен македонлар яқинлашиб келиши ҳақида эшитиб... панагоҳга беркинади, қулай жойда пистирма қуради. Ҳар бир отда иккитадан қуролланган чавандозлар бўлади, кутилмаганда улар навбат билан ерга тушиб, отлиқ душманларга тўсқинлик қилади... Аскарлар эпчиллиги отларнинг чаққонлигига ўхшаб кетади... Душманларга қарши бирданига ортдан, рўпара ва ён томонлардан ҳужум қилади».

Натижада Александр Македонский бу ерда катта талафот кўради. Спитамен бошчилигидаги қасоскор халққа қарши курашиш қийин эканлигини тушуниб, туб аҳоли вакиллари, биринчи навбатда маҳаллий оқсоқоллар билан тил топиш, уларга яқинлашиш йўлларини излай бошлайди. Александр бақтриялик зодагон Оксиартнинг қизи Роксанага уйланади. Тўйдан сўнг маҳаллий зодагонлар унинг томонига ўтишади, Спитамен хоинона ўлдирилади ва Александр ўз ниятига етади.

Александр Ўрта Осиёдаги жанглардан тегишли сабоқ чиқариб, бу халқнинг жанговарлиги ва матонатига тан берган ҳолда, уларни юнонлаштиришга ҳаракат қилади. У юнонлардаги туғма ҳарбий қобилият билан Ўрта Осиё халқларидаги эрксеварлик ва жанговарлик хислатларини уйғунлаштирилган давлат тузишга интилади. Унинг ўлимидан сўнг икки аср давомида Ўрта Осиё тарихида эллинизм даври бошланиб, бунда ўзбек ва юнон ҳарбий санъати ўзаро бирлашиб кетди.

Эрамиздан аввалги III асрда Ватанимиз ҳудудида Канг ва Даван — Фарғона подшолиги вужудга келган. Бу давлатларда яшаган халқлар форс ва юнонлар ҳукмронлиги даврида ҳам сиёсий эркини ўз қўлида сақлаб қола олганлар.

Хитой манбаларида бу борада кўплаб маълумотлар келтирилади. Хитой императори У-Ди юборган жосус элчи Чжань-Цянь ҳисоботлари шулар жумласидандир. Хитой императори худди шу элчи орқали Канг ва Даван давлатлари билан ташқи душманга қарши кураш учун ҳарбий иттифоқ тузишга интилган, чунки бу давлатларнинг жанговар қудрати жуда катта бўлган. Чжань-Цянь 12 йил давомида бу давлатларнинг жанговар қудрати ва ҳарбий санъати хусусида маълумотлар тўплаган.

Хитой билан кангуй ўртасидаги адоват милоддан аввалги II аср бошларида бошланган эди. Хитой маъмурлари кангуйларнинг ашаддий душманлари — усунлар билан дўстона алоқа ўрнатиб, ғарбда милоддан аввалги 104 йили Даванга биринчи ҳарбий юриш бошлайдилар. Аммо бу юриш унча муваффақиятли чиқмайди. Улар ҳозирги Ўзган шаҳрини эгаллагач, жуда кўп жангчилардан ажралиб, орқага чекинадилар.

Милоддан аввалги 102 йилда Хитой қўшинлари Фарғона подшолигига иккинчи маротаба юриш қиладилар. Бу юришда қурол-аслаҳа ва озиқ-овқат билан яхшилаб таъминланган 60 минг кишилик қўшин иштирок этади. Озиқ-овқат, қурол аслаҳа ва бошқалар 100 минг ҳўкизга, 30 минг от ва 10 минг эшакка юкланган.

Хитой қўшинининг Даванга иккинчи маротаба юришидан мақсад — бу вилоятнинг марказий шаҳри бўлган Гуйшанни (Косонни) забт этиш, сўнгра бошқа қишлоқ ва шаҳарларни эгаллаб, ғарбга — Сўғдиёнага йўл очиш эди. Босқинчиларнинг Гуйшанга яқинлашиб келаётганидан хабар топган маҳаллий халқ кангуйларга чопар юбориб, уларни огоҳ этади. Гуйшанликлар Хитой қўшини билан тўқнашадилар, лекин енгилиб, орқага чекинадилар. Улар қўрғонга кириб, уни мудофаа қиладилар. Хитой қўшини қўрғонни осонлик билан ололмаслигига кўзи етгач, шаҳарни сув билан таъминлайдиган тўғонни бузади. Натижада қамалдагилар сувсизликдан қийналадилар. Шунга қарамай, уруш қирқ кун давом этади. Шу орада кангуйлар кутаётган ёрдамчи куч ҳам шаҳарга яқинлашиб келаётган эди. Бундан хабар топган Хитой қўмондонлиги тезликда ҳарбий маслаҳат чақиради ва қуршовни давом эттириш фойдасиз, деб топилади. Хитой қўшинлари қамални тўхтатиб, орқага қайтади.

Шундай қилиб, хитойликларнинг Фарғонага қилган навбатдаги юриши ҳам муваффақиятсизлик билан тугайди. Хитойликларнинг Даванга ўз таъсирини ўтказиш режаси барбод бўлади. Фарғоналиклар, хусусан уларнинг марказий шаҳри Гуйшан аҳолиси ўз она ерларини қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар. Уларнинг бу курашлари Фарғона билан дўстона алоқада бўлиб келган кангуйлар учун айни муддао эди.

Юртимизда Эфталитлар давлати юзага келган Турк хоқонлиги даври ҳарбий санъати ҳақида муаррихлар талай маълумотлар қолдиришган. Масалан, Хитой тарихчилари қолдирган қўлёзмаларда шундай маълумот бор: «Турклар отга отланмоққа ва от устида ҳар турли муомалада жуда устадирлар. Ўқ-ёй ва қилич ишлатишни жуда гўзал биладилар. Кўкракларига темир кийим кийишади. Аскарлик хизматидаги йигитлар туркларда энг ҳурматлидир. Одамнинг қиймати аскарийликка истеъдоди ва ундаги маҳорати ила тақдим этилинур. Туркларда жангда жон фидо этмоқ ила ифтихор этарлар».

Ҳасан Ато Абуший ўзининг «Туркий қавмлар тарихи» китобида қизиқ маълумотлар беради. Унда айтилишича, туркларнинг Аскар қонунлари жуда мунтазам бўлгани каби, амалга оширилган ислоҳотлари ҳам мукаммалдир. Аскари бор вилоят «Еуман» деб аталади. Аскарбоши «ясовул» душман келувини хабар қилувчи аскар «чигдовул», соқчи аскар эса «қоровул», ўнг қўл аскар «бароноғор», сўл қўл аскар «жавонғор» аталади. Шу билан бирга «ғул», «хировул», «эровул», «тўлғанма» каби ҳарбий мансаблар мавжуд. Худди шу муаллифнинг таъкидлашича, турклардаги мардлик ва ҳарбий ишдаги маҳорат хитойликлар томонидан юксак қадрланиб, улар Хитой империясида ҳарбий бошлиқлар (улар «сангун» деб юритилган), кичик офицер лавозимларида хизмат қилишган. Ҳасан Ато Абуший шундай ёзади: «Рим ва Эрон ўртасида ҳар вақт бўладиган жангларда турклар қайси тарафда бўлсалар, ғалаба шаксиз ўша тарафда бўлар эди».

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, араб босқини арафасида юртимизда 14 та катта-кичик давлатлар бўлиб, уларнинг ҳимоясида турклар туришган. Уларнинг зарбасини араб босқинчилари ҳам ўзларида синаб кўришган. Араблар босқини даврида Бухоро ва Самарқанд ҳудудларига Турк ҳоқони 100 мингдан ортиқ суворийлар юборган ва улар араблар лашкарбошиси Қутайба ибн Муслимга қақшатқич зарба беришган. Араблар ҳийла йўли билан иттифоқчилар ўртасига нифоқ солиб, туркларни орқага қайтариб юборгачгина ўз мақсадларига эришганлар.

VIII асрнинг биринчи ярмида араб халифалиги Марказий Осиёни истило қилган бўлса-да, эрксевар халқларнинг озодлик учун курашини тўхтата олмади.

Ўрта аср лашкарбошилари сафида «Соҳибқирон» деб ниҳоятда улуғланган Абу Муслим ҳарбий салоҳияти билан замондошларини ҳайратда қолдирган. У 18 ёшида араб босқинчиларига қарши кўтарилган қўзғолонга бош бўлиб, 40 мингдан зиёд қўшинга қўмондонлик қилган. Уларнинг ҳарбий тактикаси халқ оғзида афсонаю ривоятларга айланган.

Абу Муслим араб халифаси ноибини тор-мор қилган, халифа пойтахтини ҳам эгаллаб, Уммавийлар сулоласига барҳам берган. У Хитой императорининг Ўрта Осиёни эгаллаш учун юборган катта қўшинини 751 йилда тор-мор қилиб, саркардаси Гао-Сянни асирга олган буюк лашкарбоши эди. Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихига оид манбаларда Абу Муслим шахсияти, унинг наслу насаби ҳақида ҳар хил хабар берилади. Масалан, улардан бирида ёзилишича, Абу Муслимнинг насаби қадимги Эрон баҳодирларидан Гударзга нисбатан берилади. Маълумки, Гударз Сиёвуш замонасида қора кийимда жанг қилган. Абу Муслимнинг исми Иброҳим, лақаби Абуисхоқ бўлиб, отасининг исми Муслим бўлган. Абу Муслим ҳам қора кийимда жанг қилган.

Аббосий Шайх Иброҳим Имом Абу Муслимнинг номини ўзиники билан бир хил бўлиб қолишини истамай, ундан «Иброҳим» исмини ўзгартиришни илтимос қилади. Мана шунинг учун у ўз исмини Абдураҳмон, лақабини Абу Муслим қилиб ўзгартиради.

«Тарихи Табарий»да ёзилишича, Абдураҳмон саррожлик билан тирикчилик қилувчи зийрак, хушхулқ ва доно одам бўлган.

Хуросон амири Насри Сайёр ўз рақиби Кирмонийга қарши жангга чиққанда, Абу Муслим ҳам Кирмонийга қарши ҳужум қилади. Бу воқеа ҳақида Насри Сайёр Марвонга, яъни Уммавийларнинг сўнгги ҳукмдори Язид бинни Умарга «...бошқа бир киши пайдо бўлдики, у саррожлар ўғлидир, на насли бору на дини. Хуросон фосиқлари унинг атрофига тўпланган», деб беэътибор хабар юборади.

Дарҳақиқат, саррожлик билан топилган маблағининг бир қисмини уммавийлар томонидан солинган оғир солиқларга, бошқа бир қисмини эса қулликдан қутулишга тўлаб юрган Абу Муслим қалбида ҳукмронларга нисбатан исёнкорона руҳ аббосийлар томонидан юборилган тарғиботчилар таъсирида янада кучайиб кетди. Улар Абу Муслимни ўз томонига тортдилар, ўзлари билан уни бир неча марта Макка сафарига олиб бордилар. Иброҳим имом билан таништирдилар. Иброҳим имом Абу Муслимдаги кучли истеъдодни сезиб, бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ҳарбий ҳаракатлар тақдирини унинг қўлига топширади. Ўша пайтларда Абу Муслим эндигина 19 ёшга тўлган эди.

Абу Муслим Уммавийларга қарши ташвиқотни Хуросон аҳолисининг юқори табақасига мурожаат қилишдан бошлайди. У Марв шаҳридан 3 фарсах ғарбда Харқон канали соҳилида жойлашган Сафизанч қишлоғини ўзига қароргоҳ қилиб олади. Дастлаб араб зодагонлари, сўнгра маҳаллий деҳқонлар Абу Муслимни қўллаб-қувватлайдилар. Уммавийларга қарши ташвиқотнинг садоси тез орада Хуросон, Мовароуннаҳр ва Тоҳаристон вилоятлари бўйлаб кенг тарқалади. Гўё мамлакат аҳолисининг барча катта-кичиги арабларга қарши қўзғалгандек бўлади. Аҳоли отда, эшакда ёки пиёда, қуролли ва қуролсиз ҳолатда Абу Муслим қароргоҳи томон йўл олиб, унинг атрофида тўплана бошлайди.

Сафизанч қишлоғи ҳар томонлама мустаҳкам бўлса ҳам Абу Муслим бу жойда узоқ туролмайди, чунки тўпланаётган кучлар учун қишлоқ торлик қилади. Шу боисдан у Моҳувон қалъасига кўчиб ўтади. Унинг атрофи қалин девор билан ўралиб, атрофида чуқур хандақ қазилади. Қалъа ичкарисига кирадиган жойда иккита истеҳкомли дарвоза ўрнатилади. Моҳувон Абу Муслим бошлиқ қўзғолончилар ҳукуматининг чинакам марказига айлантирилади. Бу ерда бошқарув девони, қўшин, қозилар, миршаббошилар ва соқчилар жойлаштирилади. Абу Муслим қўшинига келиб қўшилган кишилар рўйхатга олиниб, уларга аввал уч дирҳамдан, сўнгра беш дирҳамдан маош тўланади.

Абу Муслим Ҳирот, Бушанг, Марвируд, Таликон, Марв, Нио, Обивард, Тус, Нишопур, Серахс, Балх, Чағониён, Тоҳаристон, Хуттали, Кеш ва Насаф вилоятларидан 100 минг нафар лашкар йиққан эди. Уларнинг деярли ҳаммаси қора рангли либосда эдилар. Етарли лашкарий куч тўплангач, 747 йилнинг саратонида Абу Муслим аҳолини уммавийларга қарши очиқ курашга даъват этади. Бу даврда Хуросонда Насри ибн Сайёр ноиблик қиларди. У Абу Муслим лашкари билан тўқнашишга журъат қила олмайди. 748 йилнинг бошида у Хуросон пойтахти Марв шаҳрини қўзғолончиларга жангсиз бўшатиб бериб, ўзи Нишопурга чекинади. Бироқ орқасидан таъқиб қилиб борган қўзғолончилардан қақшатқич зарбага учрайди. Шуни таъкидлаш жоизки, Насир ибн Сайёр бошлиқ Хуросон қўшинининг Абу Муслим лашкаридан енгилиши Уммавийлар ҳукмронлиги тақдирини узил-кесил ҳал қилган эди.

749 йилда Абу Муслим бошлиқ қўзғолончилар халифаликнинг марказий вилоятларига йўл оладилар. Қисқа муддат ичида Ироқ ва Жазоирда Уммавийлар қўшинига бир неча бор қаттиқ зарба берилиб, улар тор-мор қилинади. Сўнгра халифалик пойтахти Дамашқ шаҳрига юриш қилинади. Пойтахт қўлга киритилиб, халифа Марвон II тахтдан ағдарилади. Аббосийлар хонадонидан бўлган Абулаббос Саффоҳ (749—754 й.й.) халифалик тахтига кўтарилади.

Шундай қилиб, Араб халифалигида давлат Аббосийлар сулоласи қўлига ўтади. Бу янги сулоланинг ҳокимият тепасига чиқишида, шубҳасиз, ўз даврининг йирик сиёсий арбоби ва саркардаси Абу Муслимнинг хизматлари ниҳоятда буюк эди. У Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисини бирлаштирди.

Абу Муслимнинг барча хатти-ҳаракатлари ва Марвонийлар (уммавийлар)га қарши олиб борган жангу жадаллари шаклан Аббосийлар ҳукмронлигини тиклаш учун олиб борилгандек бўлса ҳам, бироқ унинг туб мақсади асосида Хуросон ва Мовароуннаҳрдан истилочиларни қувиш ётарди. Аммо у ўзининг бу мақсадини очиқдан-очиқ амалга ошира олмас эди. Бу мақсадга эришиш учун у уммавийлар зулмига қарши Аббосийлар ҳаракатини қўяди. Бундай йўл тутишдан Абу Муслимнинг мақсади истилочилар кучини уларнинг ўз қўли билан бир даражада бўлса ҳам сустлаштириш ҳамда маҳаллий аҳоли ўртасида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олишдан иборат эди.

Абу Муслим Аббосийлар ҳаракати учун интилиш билан баробар Хуросон ва Мовароуннаҳрга ўз маҳаллий ҳокимиятини, мустақил давлатини барпо этишга ҳам интилди. Бунинг учун у Аббосийлар ҳокимиятининг раҳбарлигига Алавийлар (ҳазрати Али авлодлари)ни қўйишга интилди. Бундан кўзланган мақсад Алавийлар Аббосийларга нисбатан соддадил, ҳукмронликда тажрибасизроқ эдилар. Бинобарин, Абу Муслим кейинчалик истаган вақтда пайт топиб, Алавийларни ҳукмронликдан четлатиб, ўз маҳаллий ҳукмронлигини тиклаши мумкин эди. Аммо, Аббосийлар Алавийларни халифа ҳукмронлигига яқинлаштирмаслик учун барча чора-тадбирларни кўришди.

Абу Муслим ўз мақсадига эришиш учун Маккага сафарга чиқади. Бу сафар орқали у ана шу атрофлардаги араб аҳолисини ўз мақсадига эргаштириш ва халифалик тахтига Алавийлар авлодидан ҳукмдор қўйишини кўзлайди.

Халифа Абу Муслимни жуда яхши эҳтиромлар билан кутиб олади. Бироқ, бу «эҳтиром»лар ортида ўта тубан мақсад яширин эди. Халифа ҳузурига кираверишда Абу Муслимнинг қурол-яроғини дарвозабонлар олиб қолишади. Сўнгра Абу Жаъфарнинг ишорати билан халифанинг қуролли кишилари унга ташланадилар. Абу Муслимнинг жасадини ўзи ўлдирилган гиламга ўраб, ўша хонанинг бир бурчагига кўмадилар. Ташқарида эса Абу Муслимнинг мингта қуролланган йигити саркарданинг чиқишини кутиб турар эдилар.

Халифанинг фармони билан мингта халтага мингтадан олтин солдириб, тайёрлаб қўйилган эди. Абу Муслимнинг ҳаяллаб қолганидан шубҳаланган минг йигит халифа саройини ўраб олиб, унинг чиқишини талаб этадилар. Шу пайтда Абу Жаъфарнинг одамлари халифалик хоҳишига қарши хатти-ҳаракатлари учун Абу Муслим ўз жазосини олганлиги ва унинг боши учун ҳар бир йигитга минг тилладан пул берилишини эълон қилиб, халталарни бирма-бир йигитларга ташлайдилар. Аскарларнинг бир қисми минг танга тиллага сотилиб ўз саркардасини унутади, қолганлари қасос олиш учун халифа саройига ҳужум қилиб, ҳалок бўлишади. Бу машъум воқеа 755 йилда рўй беради.

Бу совуқ хабар тез фурсатда Хуросон ва Мовароуннаҳрга тарқалади. Бу ерларда қаҳр-ғазабга тўлган халқ аввал Сунбод раҳбарлигида, кейин Ҳошим бинни Ҳаким-Муқанна раҳбарлигида қўзғолон кўтаради.

Абу Муслим ўлимидан кейин (ҳаттоки унинг ўзи, ҳаётлик чоғларидаёқ), халқ орасида оғзаки ҳикоя ва ривоятлар тўқила бошланади. X—XI асрларга келиб, оғиздан-оғизга ўтиб юрган бундай ривоят ва афсоналар асосида яхлит асар яратилади. Бу асар китобат қилиниб, форс-тожик тилидан туркий, араб ва бошқа тилларга таржима қилинади. Шу тариқа Хуросон ва Мовароуннаҳр амири Абу Муслим тарихий шахсдан афсонавий эпик қаҳрамонга айланади. Унинг номи Ўрта ва Яқин шарқ халқлари орасида машҳур бўлиб кетади. Ўз фарзандининг жасур ва ватанпарвар, ботир, доно, паҳлавон бўлишини орзу қилган ҳар бир ота-она унга Абу Муслим деб исм қўядиган бўлди. Абу Муслимнинг лашкарида Сарҳанг сифатида хизмат қилган Ҳошим ибн Ҳаким ўзи ардоқлаган қўмондонининг хоинона ўлдирилишидан ғоят ғазабга келади. У ўзини Абу Муслим вориси, деб эълон қилади ва арабларга қарши қўзғолонга тараддуд кўради. Унинг тарафдорлари оқ либос кийганлари учун уларнинг қўзғолони «оқ кийимлилар қўзғолони» ёки «Муқанна қўзғолони», дея тарихга кирган. «Муқанна» сифатида тарихга кирган Ҳошим ибн Ҳакимнинг ҳарбий тактикаси хусусида тарихий манбаларда маълумотлар жуда оз. Аммо унинг фаолияти кенг ёритилади.

У ажнабийлар ҳукмронлиги ва зулмига қарши қўзғалишга даъват қилиб, Мовароуннаҳр вилоятларига ўз тарғиботчиларини юборади. Унинг тарғиботи Нахшоб ва Кеш шаҳарларида айниқса яхши самара беради. Оқ кийимлиларнинг сафи тобора кенгайиб боради. Уларга бевосита раҳбарлик қилиш мақсадида Муқанна Сўғдга томон отланади. Бундан хабардор бўлган халифалик маъмурлари Муқаннани Сўғдга ўтказмаслик учун таъқибни кучайтирадилар. Амударё соҳилини суворийлардан иборат катта ҳарбий куч кечаю кундуз муттасил қўриқлаб туради.

Бироқ Муқанна ўз одамлари билан омон-эсон Амударёнинг ўнг қирғоғига ўтиб, Нахшоб ва ундан Кеш шаҳрига етиб боради. У Кеш яқинидаги тоғ тепасида бунёд этилган Сом қалъасини ўз қароргоҳига айлантиради. Кўпгина қишлоқлар ва шаҳар аҳли, айрим зодагон, деҳқонлар унга эргашади. Тез орада бутун Қашқадарё водийси Муқанна тарафдорлари томонига ўтади. Шундай қилиб, оқ кийимлилар ҳаракати кенгайиб катта халқ қўзғолонига айланади. У айниқса Мовароуннаҳрнинг маркази Сўғдда авж олиб Илоқ водийси ва Шошга ўз таъсирини ўтказади. Қўзғолончиларнинг нияти — мамлакатдан арабларни қувиб, ҳокимиятни ўз қўлларига олиш, мустақил давлат тузишдан иборат эди.

Оқ кийимлилар қўзғолонига зарба бериш учун халифа Абу Жаъфар 775 йилда Жаброил ибн Яҳё бошлиқ катта ҳарбий кучни Мовароуннаҳрга сафарбар қилади. Аммо Жаброил қўзғолончилардан енгилади. У катта талафотлар бериб, зўрға Самарқанддаги араб қўшинларига қўшилади. 10000 аскар билан Жаброилга ёрдамга юборилган Укаба ибн Салим Кеш ва Самарқанд оралиғида, Гарича бошлиқ ўн тўрт минглик араблар Термиз яқинида қўзғолончилар томонидан тор-мор келтирилади.

Бухоро воҳасида ҳам 776 йилдан бошлаб қўзғолон кучайиб кетади. Наршах қалъаси қўзғолончиларнинг қўрғонига айлантирилиб, унда «Оқ кийимлилар»нинг каттагина қисми тўпланган эди. Ўша йили Наршах қалъаси яқинида «оқ кийимлилар» билан Бухоро амири Ҳусайн ибн Маос ва Самарқанд ноиби Жаброилнинг бирлашган қўшинлари ўртасида тўрт ой мобайнида жанг бўлади. Қўзғолонга бухоролик Ҳаким ибн Аҳмад, Қушкифазил деган жойда Хишрий ҳамда Ғиждувондан Гирдак исмли паҳлавонлар бошчилик қилади. Араблар билан бўлган жангда «оқ кийимлилар»нинг қўли устун келади. Аммо сон жиҳатдан кўп бўлган араб қўшинлари Наршах қалъаси девори остидан узунасига 50 газли чуқур қазиб, уни қулатгач, қалъага бостириб кирадилар. Қалъа ичида давом этган шиддатли жангларда қўзғолончилар енгилиб, Наршах қўрғони қўлдан кетади. Қўзғолон бошлиқларидан Ҳаким ибн Аҳмад ва Хишрийлар ўлдирилади.

Наршахдаги қўзғолон бостирилгач, араблар асосий кучни «оқ кийимлилар» қўзғолонининг маркази бўлган Самарқанд ва Кешга ташлайдилар. 777 йилда «оқ кийимлилар»га узил-кесил зарба бериш учун ҳарбий куч тўплаш мақсадида халифа Маҳдий Нишопурга келади. Хуросон ноиби Маос ибн Муслим ва Ҳирот амири Сайид Хароши бошлиқ катта қўшин Самарқандга юборилади. Қўзғолончилар эса Сирдарё воҳасида яшовчи туркий қабилаларни арабларга қарши курашга даъват этадилар. Ўзаро бўлиб ўтган жангда араблар қўшини мағлубиятга учрайди. Натижада Маос Хуросон ноиблигидан истеъфо беради. Унинг ўрнига Сайид Хароши тайинланади ва унга қўзғолонни бостириб, Муқаннани қўлга тушириш топширилади. «Оқ кийимлилар» ва туркий қабилалар Самарқандда арабларга қарши икки йил жанг қиладилар. Ниҳоят, қўзғолончилар енгилиб, Самарқанд шаҳри босиб олинади.

Наршах ва Самарқандда «оқ кийимлилар» енгилгач, маҳаллий деҳқонлар сотқинлик қилиб, арабларга ёрдам бера бошлайдилар. Улар Сайид Хароши қўшинлари билан бирга Муқаннага қарши Кешга томон юришда қатнашадилар. Кеш водийсида тоғлар орасида ҳаёт-мамот жанги бўлиб ўтади. Жуда катта кучга эга бўлган душман Муқаннанинг Сом қалъасидаги қароргоҳини қамалга олади. Узоқ давом этган қамалдан сўнг курашда ҳолдан тойган муқанначилар енгиладилар.

Муқаннанинг укаси Камбзам 3000, Сом қалъаси мудофаасига қўмондонлик қилган Сарҳама 3300 нафар қўшини билан Сайид Харошига таслим бўладилар. Муқанна эса истилочиларга тиз чўкиш, бўйин эгишдан кўра ўлимни афзал кўради. Ўн йилдан ошиқроқ давом этган ва ўша даврда жаҳоннинг энг йирик давлати ҳисобланган араб халифалигини ларзага келтирган Муқаннанинг озодлик ҳаракати шу тариқа тугайди.

IX аср охирида арабларга қарши миллий озодлик курашлари оқибатида мустақил Сомонийлар давлати вужудга келади. Бу давлат асосчиси Исмоил Сомоний жасур лашкарбоши бўлиб, ўзини «Бухоро девори» деб атаган. Унинг мақбараси Бухорода X аср меъморчилигининг ёдгорлиги сифатида сақланиб қолган. XI асргача ҳукм сурган Сомонийлар даврида жаҳонга донги кетган шоир, файласуф ва буюк қомусий олимлар — Рўдакий, Форобий, Фирдавсий, Ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийлар яшаган.

Сомонийлар лашкарбошиларидан бири Сабуктегин X аср охирида янги бир давлат — Ғазнавийлар сулоласига асос солади. Бу давлат унинг ўғли Маҳмуд Ғазнавий даврида энг кучли ҳарбий қўшинга эга бўлди. Салжуқийлар ҳукмдори Маликшоҳнинг (1072-1092) бош вазири Низомулмулк «Сиёсатнома» асарида шундай баён этган: «Сабуктегин Зобулистон раисининг қизини ўз никоҳига олди. Маҳмуд шу аёлдан оламга келди. Шунинг учун Маҳмудни «Зобулий» дейдилар. У катта бўлганда отаси билан юришларда ва сафарларда қатнашди, кўп улуғ ишларни бажо этгани учун Бағдод халифаси унга «Насируддин» лақабини берди». Маҳмуд Ғазнавийнинг саркардалик маҳорати у олиб борган беҳисоб урушларда яққол намоён бўлди.

Низомулмулк ёзади: «Султон Маҳмудда шундай одат бор эди, у ўз лашкарини туркийлардан, хуросонлик ва ҳиндилардан саралаб тузарди ва алоҳида бир даста тузиб, тун бўйи уларни назоратда тутарди. Шунинг учун лашкарлар бир-биридан ва соқчилардан ҳадиксираб, ўринларидан қимирламас, ҳамиша зийрак, жасорат кўрсатишга тайёр туришарди. Улар бир-бирининг устидан «фалоний жангда бўшанглик қилди», деган гап тарқалишидан қўрқишарди. Шу боис Султон Маҳмуд лашкарининг барчаси жасур, шижоатли ва номдор эдилар. Улар қўлига қурол олгач, душманга шикаст етказмасдан орқага қайтишни хаёлига ҳам келтиришмасди. Султон лашкари ҳужумга ўтганида шундай даҳшатли қирғин бўлар эдики, мухолифнинг минг отлиқ йигити буларнинг юз отлиқ лашкарига юзланолмай қоларди».

Султон Маҳмуд Ғазнавий X асрнинг охирида Ўрта Осиёга бостириб келган кўчманчи Қорахоний ҳукмдорлари билан келишиб, Сомонийлар давлатига чек қўяди. Шундай қилиб, XI асрнинг бошида Ўрта Осиё ҳудудида Ғазнавийлар билан бир қаторда Қорахонийлар давлатлари мавжуд эди. 1040 йилда эса кўчманчи салжуқийлар Ғазнавийлар давлатини тор-мор келтириб, ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар.

XII аср охирида Ватанимиз ҳудудларида Хоразмшоҳлар давлати ташкил топди. XIII аср бошларида эса Чингизхон бош бўлган мўғуллар Марказий Осиё чегараларида пайдо бўлди. 1218 йилда Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжихон лашкари Тўрғай соҳилида Хоразмшоҳ қўшини билан тўқнашди.

Икки томон ўртасида жанг қизиб кетди. Шаҳзода Жалолиддин ўзи бош бўлган туманда захирада турган ҳолда мўғулларнинг жанг услубига эътибор берди. Энг аввало улардаги шиддат ва интизом уни ҳайратга солди: ҳар бир даста ўз ўрнини билади ва орқага чекинмайди. Мўғуллар қилич чопиш, ўқ отиш ва найза санчишда ҳам бирдек моҳир экан. Улар жанг майдонида эркин ҳаракат қилишмоқда.

Хумор Такин қўмондонлигидаги қипчоқ отлиқлари биринчи бўлиб отларини орқага буриб қочишга тушди. Ўнг қанотни очиқ қолдириб, чекинишга тушган Қорача Ҳожиб ҳам мўғулларни ўқ ёмғирига тутишмаганда аҳвол танг бўлиши муқаррар эди.

Жанг майдонида кучлар мувозанати барқарорлашди. Оқшом тушгандагина уруш садоси тинди. Мўғуллар қулай марраларда турганча ҳориган жангчиларини алмаштиришди.

Жалолиддин лашкари талафоти мўғулларникидан кўп эканлигини кўрди. Эртага давом этадиган жанг оқибатини ўйлайди.Отасининг ҳам ҳовури тушган. У ҳали кучи кўплигига қарамасдан аввалги шашти қолмаган. Лашкарбошиларнинг ҳам попуклари пасайган.

Иккинчи кун саҳарданоқ бошланиб кетган жангда яна мўғуллар устунлик қила бошладилар. Уларнинг сиқуви тобора кучайиб борар эди.

Жалолиддин отасидан ижозат кутмай, мустақил қарорга келди. У мўғулларнинг ожиз томонларини саркардага хос зийраклик ила пайқади: оғир қуролланган пиёдалар билан улар яхши жанг қилиша олмас экан. Найзабозлик ҳам мўғулларга ёқмайди. Улар отлиқ ҳолда урушга моҳир. Бу устунликдан уларни маҳрум қилиш керак.

Жалолиддин мўғулларнинг сохта чекиниб, кейин тўсатдан ҳужум халқасини ҳосил қилишларини ҳам кузатди.

Хоразмшоҳ ўғлининг тавсияларига монанд иш тутишга мажбур бўлди. Учинчи кунги жангларда ана шу тавсияларга биноан иш тутган Хоразмшоҳ қўшини мудофаада яхши турди, лекин тўртинчи кунда мўғуллар улар сафини ёриб ўтишди. Қуршов хавфи туғилди. Мўғулларга шахсан Жўжихон бош бўлган ҳолда Субудой Баҳодир чавандозлари авангорда бўлди.

Энди Жалолиддин кутган фурсат келди. Шаҳзода беш минг жангари суворийларини душман орқасига пистирмага юборган ва улар ҳужумга ишора кутаётган эди. Жалолиддин қўл остидаги яна беш минг отлиқ ҳужумга ўтиши билан улар мўғуллар учун кутилмаганда орқадан зарба беришди. Бу зарба жанг тақдирини ҳал қилди. Мўғуллар мудофаага ўтиб ҳужумни тўхтатишди. Ўша куни тунда улар ғойиб бўлишди. Бу ғалаба 19 ёшли Жалолиддинга тегишли эди.

Жалолиддин Чингизхон босқини арафасида саройда 1219 йилда бўлиб ўтган ҳарбий кенгашда ҳам ўзининг саркардага хос зукколигини кўрсатди. У барча кучларни жамлаб, душманга зарба бериш таклифини ўртага ташлади. Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг лашкарни турли шаҳар ва қалъаларга тақсимлаш ҳақидаги фармонига қарши чиқиб шундай дейди:

— Лашкарни мамлакат бўйлаб тўзитиш ва бир жойдан қўзғалмай ғанимга қарши туришдан юз ўгириш, бу — қандайдир бечораҳоллик аломатидир. Модомики, султон мардларча курашга бел боғламоқ керак, деган қарорга келмас экан, у ҳолда саноқсиз лашкарлар ихтиёрини менга топширсин.

Жалолиддин душман тактикасини ўрганиб, қарши ўз жанг услубини ишлатди. Бу ҳол 1221 йил Парвон жангида яққол гавдаланди. Мўғулларнинг донгдор саркардаси Шики Хутуху бошчилигидаги 45 минг кишилик қўшин Жалолиддинга тўқнаш келади. Биринчи жанг куни оқшомда Шики Хутуху ўз аскарларига кигиздан одам ҳайкалини ясашни буюради. Эрта тонг жанг қайта бошланганда Жалолиддин жангчилари мўғуллар сафи ортганини кўриб, душман қўшимча мадад олибди, деган хаёлга боради. Аммо Жалолиддин уларга шахсий намунаси билан душмандан қўрқмасликни кўрсатади. Муаррихлар ёзишича, «Жалолиддиннинг ўзи Шики Хутуху қўшини ўртасига отилиб кириб, унинг ҳарбий тартиботларини бузди ва байроқларини отларининг оёқлари остида поймол қилди».

Султон Жалолиддин бу жангда мўғуллар кутмаган жанг тактикасини қўллади. У лашкарига отдан тушиб пиёда ҳолда душманни ўққа тутишни буюради. Мўғуллар чекина бошлайди. Аммо бу бир ҳийла эканини Жалолиддин тушунади. Унинг аскарлари отга миниб, душманни қувлайди. Шунда мўғуллар тўсатдан отларини буриб, Жалолиддин аскарларига қарши ташланади. Бу ҳолатни кўра билган султон захирадаги кучларни мўғулларга қарши ташлайди. Муаррих Шаҳобиддин ан-Насавийнинг ёзишича, «Сўнг мўғуллар бошига қасос қиличлари ёпирилди».

Чингизхоннинг Хоразмшоҳлар давлатидаги, барча ғалабаларини йўққа чиқариш хавфини туғдирган Парвон жангидан сўнг Чингизхон ўзига муносиб рақибга учраганини сезди.

— Жалолиддиндай ўғлим бўлганда, — деди у лашкарбошилари ва ўғилларига қараб, — ўзимни бахтиёр оталардай ҳисоблар эдим.

Дарҳақиқат, Жалолиддин тажрибали ва иқтидорли, мард ва жасур, ватанпарвар лашкарбоши эди. Жалолиддин 1231 йилда фожиали ҳалок бўлгандан сўнг мўғуллар Ширвон, Озарбайжон ва Гуржистонга бостириб киришди.

Сўнгги Хоразмшоҳ Султон Жалолиддин Мангубердининг номи асрлар давомида неча-неча авлодлар учун жасорат, ватанпарварлик ва фидокорлик рамзи бўлиб келди. Мақсуд Шайхзоданинг Жалолиддинга атаб ёзган мисралари бунинг ёрқин далилидир.

Улуғ давлат тиз чўкмас,
ботир ёлбормас
Чинор синар, эгилмас,
бедов от ҳоримас
Бу дунёда онасиз
туғилган ким бор.
Жон берганга жон
бермоқ, мардларга даркор
Онамизнинг онаси бўлса
шу Ватан
Кўрлик афзал бу юртни
асир кўрмоқдан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармони билан Жалолиддин Мангуберди номидаги орденнинг таъсис этилиши халқимизнинг буюк саркардага бўлган юксак эҳтиромидир.

Чингизхон тан берган саркарда ҳақида Ислом Каримов шундай деган: «Тарқоқ кучларни бирлаштира олган ва Чингизхон босқинига кескин зарба бера олган Жалолиддин Мангубердининг фидокорона кураши ва мислсиз жасоратида бу кўҳна заминдаги эрксевар халқнинг маънавий мукаммаллиги ўз ифодасини топди. Унинг қаҳрамонлиги келгуси авлодларга, биринчи навбатда сиз билан бизга тарихий хотира олдида бошимизни мағрур кўтариб яшашга тўла ҳуқуқ беради».

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

● ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

ГРИПП КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ

Ўткир респиратор вирусли инфекциялари — жуда кўп ўзига хос, алоҳида касалликлар бўлиб, нафас олиш тизимининг турли бўлимларини жароҳатлаши ва касаллик чақирувчи вирусларининг турига қараб фарқланади.

Ушбу касалликларнинг клиник белгилари бир-бирига ўхшашлиги, ҳамда фарқлаш мушкуллиги сабабли улар умумлаштирилган ҳолда ўткир респиратор вирусли инфекциялари ёки ОРВИ деб юритилади.

Ўткир респиратор вирусли инфекциялар гуруҳига гриппнинг А, В, С турлари, парагрипп, риновирус, аденовирус ва реовирус инфекциялари киради.

Замонавий адабиётларда ёзилишича гриппга ўхшаш касаллик чақирувчи ва бирбиридан эпидемик хусусиятлари билан фарқланувчи 200 дан ортиқ вирус турлари мавжуддир. Барча ўткир респиратор вирусли инфекциялар ичида эса 20-30 фоизини грипп касаллигини қўзғатувчи вируслар ташкил қилади. Грипп касаллиги аҳоли ўртасида кенг тарқалиб эпидемия ва ҳатто пандемияга сабаб бўлиши, асосан нафас олиш органларини зарарлаб, ҳар хил асоратлар келтириб чиқариши билан ҳам хавфлидир. Шунинг учун ҳам грипп касаллиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Грипп касаллигининг манбаи бемор одам ҳисобланади ва у йўталганда, аксирганда касаллик чақирувчи вирус нафас йўли ажратмалари билан ташқи муҳитга чиқади, шунинг учун грипп ёки ўткир респиратор касаллиги билан оғриган бемор албатта бошқа соғ одамлардан ажратилиб, тўлиқ тузалгунча даволаниши лозим.

Касаллик соғ одамга ҳаво-томчи орқали юқади ва унинг белгилари пайдо бўлгунга қадар бўлган вақт бир неча соатдан 1-2 кунгача давом этади. Касаллик жамоалар ўртасида тез тарқалиш хусусиятига эга, шунинг учун ҳаво ҳарорати пасайиши билан ҳарбий қисмларда, мактаб ва болалар боғчаларида олдиндан эҳтиёт чоралари кўрилиши лозим.

Кўп йиллик кузатувлар натижасига кўра грипп эпидемиясининг давомийлиги 4-6 ҳафтадан то 2-3 ойгача чўзилиши ва асосан йилнинг декабрь ёки февраль ойларига тўғри келиши мумкин.

Касаллик юққандан сўнг беморда бадан увишиши, умумий дармонсизлик, бўғинларнинг зирқираб оғриши ва тана ҳароратининг кўтарилиши белгилари пайдо бўлади.

Инсон организмининг касалликка қарши курашиш хусусияти унинг ёши, соғлиги, вақтида овқатланиши, жисмоний чиниққанлиги билан боғлиқ.

Вақтида даволанмаган беморларда эса грипп касаллигидан кейин ўпка, юрак қон-томир ва нерв системалари фаолиятларининг бузилиши каби асоратлар юзага келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, грипп билан оғриганда ҳар хил антибиотиклар касалликни даволаш учун кор қилмайди, балки касаллик келтириб чиқарган асоратларни даволаш учун қўлланиши мумкин.

Касаллик аломатлари пайдо бўлганда кўпроқ чой ичиш, наъматак қайнатмаси ва ҳар хил мева шарбатлари ичиш, бемор ётган хонага исриқ тутатиш тавсия этилади.

Антигриппин, парацетамол, афлубин, ремантадин, дибазол, оксолин суртмаси каби дори воситалари касалликдан тез халос бўлиш ва организм ҳимоя воситаларининг тез тикланиши учун кўмак беради.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда гриппдан ҳимояланиш мақсадида касаллик мавсуми бошланишидан олдин унга тез чалинишга мойил бўлган аҳоли қатламларини (мактаб ўқувчилари, талабалар, даволаш муассасалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш ходимлари) «Инфлювакс», «Ваксигрипп» ва «Гриппол» каби вакциналар билан эмлаш ишлари йўлга қўйилган ва булар яхши самара бермоқда.

Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган маъқул деган доно маслаҳатга амал қилган ҳолда, ўзимизни ва атрофдагиларни гриппдан ҳимоя қилиш учун қуйидагиларга риоя қилишимиз зарур:

— организмни чиниқтириш учун бадантарбия билан мунтазам равишда шуғулланиш ва тоза ҳавода сайр қилиш;

— грипп ва ўткир шамоллаш (тумов) белгилари пайдо бўлганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш;

— йўталганда ва аксирганда оғиз ва бурунни тоза дастрўмол билан беркитиш.

Ҳарбий қисмларда эса юқорида қайд қилиб ўтилган амаллардан ташқари қуйидагиларга риоя қилиш муҳим ҳисобланади:

— ухлаш ва синф хоналари ҳавосини тез-тез алмаштириб туриш;

— пол, дераза токчалари, мебелларни зарарсизлантирувчи воситалар ёрдамида ҳар куни ювиш ва артиш;

— аҳоли орасида эпидемик вазият нохуш бўлган ҳолатларда, шахсий таркибнинг аҳоли билан мулоқотини кескин камайтириш;

— ёпиқ хоналарда гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтказиладиган йиғинларни (мажлисларни) имконият даражасида камайтириш;

— шахсий таркибнинг дала машғулотларини ўташи мобайнида, қоровуллик хизмати пайтида ва ҳаммомда ювингандан сўнг совқотишдан сақлаш;

— ётоқхоналар қошида қуритиш хоналари, хизматни ўташ нуқталарида эса исиниш жойларини ташкил қилиш ва уларни доимий ишлашини таъминлаш;

— шахсий таркибнинг мавсумга мос кийинишини назорат қилиш;

— аскарларга таркиби «С» витаминига бой бўлган саримсоқпиёз, пиёз каби сабзавотлар бериб борилиши;

— савдо, озиқ-овқат тармоқларида, даволаш-профилактика муассасаларида ходимларнинг 4 қаватли докадан тикилган ниқоб тақишини ташкил этиш ва дезинфекция ишларини олиб бориш.

Юқоридаги маслаҳатларга тўла-тўкис амал қилинсагина гриппнинг юқиши ва тарқалишининг олдини олган ва қишки ўқув мавсумини юксак натижалар билан якунлашга мезон яратган бўламиз.

Тиббий хизмат подполковниги Бахтиёр АҲМЕДОВ, Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази бўлинма бошлиғи.

● ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

КОМИЛЛИК ВА УЛУҒВОРЛИК ТИМСОЛИ

Мустақиллик йилларида тарихий қадриятларимиз қайта тиклана бошлади. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан аждодларимизнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганишга, асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, шу йилнинг 25 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига биноан жойларда кенг тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳукумат қарорида белгиланганидек, Хожа Аҳрор Валий асарлари, қўлёзма манбаларини кенг ўрганиш, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги тадқиқотларни тўплаш ва нашр этишга жиддий эътибор қаратилаётир. Аллома ҳаёти ва маънавий меросини тадқиқ этган адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, академик Ботирхон ВАЛИХЎЖАЕВ билан суҳбатимиз шу хусусда кечди.

— Хожа Убайдуллоҳ Шоший — Хожа Аҳрор Валий Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган йирик арбобдир. Тарихий манбаларнинг шаҳодат беришича, ул зоти шариф ҳижрий 806 йилнинг рамазон ойида Тошкентда таваллуд топган. Бу сана милодий 1404 йилнинг март ойига тўғри келади. Унинг болалик ва ёшлик йиллари Тошкентда ўтган. Болалигидан диний ва дунёвий илмларга, тасаввуф, шеърият ва тарихга қизиққан.

Хожа Аҳрорнинг насаби она томонидан Шайх Хованди Таҳур ва Шайх Умар Боғистонийга, ота тарафдан Хожа Номий Бағдодий сингари улуғ зотларга бориб тақалади. У кишининг буюк аллома бўлиб етишишида тоғаси Хожа Иброҳимнинг ҳиссаси катта бўлган. У Самарқандга келиб Эгу Темур мадрасаси (бу мадраса ҳозиргача сақланиб қолмаган, ўрни ҳам номаълум)да таълим олган ва шу ерда қолган. Хожа Убайдуллоҳнинг бу шаҳарга келишига ҳам тоғаси сабабчи бўлган.

— Самарқанд муҳити Хожа Аҳрорнинг камолга етишида қандай таъсир ўтказган?

— Бу шаҳар Мовароуннаҳрнинг пойтахти, айни пайтда илм-фан ва маданият маркази бўлган. Самарқандда Мирзо Улуғбек бошчилигида жуда катта илмий-адабий муҳит вужудга келган. Бу ердаги мадрасаларда мусулмон оламининг турли шаҳарларидан келган талабалар таълим олишган. Уларга Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Фазлуллоҳ Абулайс сингари фозиллар дарс берган. Саккокий сингари нозиктаъб шоирлар қалам тебратган.

Хожа Аҳрор бу ердаги Мавлоно Қутбиддин мадрасасида таҳсил олади. Шаҳарнинг маърифатли кишилари, уламойи киромларининг суҳбатида бўлади. У Самарқанд муҳитидан тахминан икки йил баҳраманд бўлгач, Бухоро орқали Ҳиротга йўл олади. У ерда бир муддат яшаб, Балхга, кейин Чағониёнга келади ва Нақшбандия тариқатининг буюк намояндаси Яъқуб Чархий билан учрашади. Хожа Убайдуллоҳ унинг сиймосида ўзи излаган маънавий раҳнамони кўради. Ундан жуда кўп нарса ўрганади. Кейин Яъқуб Чархийдан ижозат сўраб Тошкентга қайтади.

1451 йилда тахтни эгаллаган Султон Абу Саид Мирзо Хожа Аҳрорни Самарқандга кўчиртириб келади. Ул зот шундан кейин ҳам кўплаб шаҳар ва қишлоқларни кезган бўлса-да, умрининг охирига қадар Самарқандга боғланиб қолди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор 1490 йилнинг 21 февралида Ургутнинг Камонгарон қишлоғида вафот этган. Унинг жасади Самарқандга келтирилиб, Хожа Кафший маҳалласидаги қабристонга дафн этилади. Маҳалланинг бир қисми ҳозир ҳам аллома номи билан юритилади.

— Хожа Аҳрор Валий халқ орасида жуда катта шуҳрат қозонганининг боиси нима эди?

— Дарҳақиқат, унинг шуҳрати фақат Мовароуннаҳрда эмас, балки Хоразм, Хуросон ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда кенг тарқалган. Темурий ҳукмдорлар Султон Абу Саид Мирзо ва унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо Хожанинг маслаҳатисиз бирор бир муҳим ишга қўл урмаганлар.

Мовароуннаҳрнинг шаҳар ва қишлоқларидаги жуда катта ер ва мол-мулк Хожа Убайдуллоҳга қарашли бўлган. Уларнинг асосий қисмини маҳаллий деҳқонлар Хожага назр қилиб берган. Чунки, ўша даврда Хожа Убайдуллоҳга қарашли ер ва мулкдан фақат ушр (ҳосилнинг ўндан бири) олинарди. Бошқа ерлардан қўшимча солиқлар ундирилгани боис деҳқонлар оғир аҳволга тушиб қолган. Шу боис, кўпчилик ўз ерини Хожа Аҳрорга назр қилиш баҳонасида унинг номига ўтказган, амалда эса ер ва ундан олинадиган ҳосил деҳқонники бўлиб қолаверган.

Хожа Убайдуллоҳ ўз қарамоғидаги деҳқон ва чорвадорларни маҳаллий амалдорларнинг жабр-зулмидан ҳимоя қилган, аҳолининг кам таъминланган қатламига ҳамиша мурувват кўрсатиб келган. У ихтиёрида шунча мол-мулк бўла туриб, ўзи жуда оддий, камтарона ҳаёт кечирган. Даромадини хайрия ва бунёдкорлик ишларига сарфлаган. Бу эса, табиийки, халқнинг Хожа Аҳрорга нисбатан ихлос ва эътимоди ошишига сабаб бўлган. Унинг номи афсона ва ривоятларга йўғрилиб асрлардан-асрларга кўчган.

— Алишер Навоий ва Бобур Мирзо каби улуғ сиймолар ҳам Хожа Аҳрорни ўзларига пир деб билишган экан...

— Хожа Аҳрорни ўз замонасининг етук алломалари ҳам юксак қадрлаган, унга бағишлаб асарлар битишган. Жумладан, Абдураҳмон Жомий уни «Каъбаи мақсуд» дея улуғласа, Алишер Навоий «Муршиди офоқ» дея эътироф этади. Ҳазрат Навоий Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор сиймосига катта ҳурмат ва эҳтиром ила ёндошган. Буюк шоирнинг «Ҳайратул-аброр» ва «Насойимул-муҳаббат» асарларида Хожа Аҳрорга юксак баҳо берилади. Бу икки мутафаккир орасида ёзишмалар бўлган. Ҳазрат Навоий Хожа Аҳрор йўллаган номаларни кўз қорачиғидек авайлаб-асраганини ёзади.

Бобур Мирзо ҳам Хожа Аҳрорга катта ихлос қўйган. «Бобурнома»да у оғир хасталикка чалинганида, Хожа Аҳрорнинг «Волидия» рисоласини туркий тилга таржима қилганидан кейин шифо топиб кетганини ёзади.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг «Фақарот ул-орифин» (орифлар сўзларидан парчалар), «Волидия», «Ҳуроия» ёки «Ҳавраия», «Руқаот» (мактублар тўплами) сингари рисолалари бизгача етиб келган.

Ҳукуматимизнинг аллома таваллудини нишонлаш тўғрисидаги қарори ул зотга бўлган юксак эътибор ва эҳтиром намунасидир. Бу улуғ ишнинг ташаббускори Президентимиз эканлигини алоҳида таъкидламоқ жоиздир. Зеро, алломанинг ҳаёти ва фаолияти бугун ҳам барчамиз учун ўрнак бўла олади. Ул зотнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш, унда илгари сурилган эзгу ғояларни ёш авлод онгига сингдириш — улуғ ва савобли иш.

ЎзА мухбирлари Акбар ҚАРШИЕВ, Рустам ЖАББОРОВ суҳбатлашди.

● НА СТРАЖЕ ЗДОРОВЬЯ

Халат накинув на мундир

В окружающем нас мире не осталось, пожалуй, ни одной отрасли, где бы широко не использовались компьютерные технологии. С их помощью человек устремляется в космическую высь, опускается в океанские глубины, но самое главное, он шаг за шагом приближается к разгадке самой важной тайны природы — самого себя. Семимильными шагами в данном направлении продвигается вперед, в частности, медицина. Если еще недавно человечество было бессильно перед рядом неведомых заболеваний, то сегодня мы становимся свидетелями проведения уникальных операций, благодаря чему людям возвращается и продлевается самое дорогое — жизнь. И большим подспорьем в этом служит для медиков искусственный интеллект «разумных» машин. За подтверждением этому далеко ходить не надо. Достаточно посетить ряд отделений Центрального военного клинического госпиталя Министерства обороны, чтобы убедиться в том, насколько важно и необходимо в работе врачей современное оборудование. Отрадно осознавать, что на службу военным медикам его в последнее время поступает все больше и больше, при этом заметно улучшаются качественные параметры современных машин. В распоряжении тех, кто стоит на страже здоровья вооруженных защитников Родины, как отечественные образцы, так и зарубежные разработки, позволяющие день ото дня улучшать показатели медицинского обслуживания и добиваться впечатляющих результатов.

— Сегодня уже даже трудно представить свою деятельность, к примеру, без аппарата искусственной вентиляции легких, — говорит начальник отделения анестезиологии и реанимации подполковник медицинской службы Акбар Саттаров **(на верхнем снимке)**, — те измерения, которые он проводит, почти на девяносто процентов облегчили работу наших сотрудников, что в свое время позволило им больше времени и внимания уделять непосредственно больным.

Гордится своими надежными техническими помощниками и медицинский персонал отделения функциональной диагностики.

— За считанные минуты, — делится своими впечатлениями отвечающая за этот участок работы Феруза Касымова, — мы можем определить структуру миокарда, клапанного аппарата, размеры сердца, выявить скрытую коронарную недостаточность, а значит, прийти на помощь человеку и обезопасить его от возможных негативных последствий.

Есть о чем рассказать и тем, кто трудится в области лучевой диагностики, магнито-резонансной томографии, поскольку и в их распоряжении новейшие образцы медицинской техники. И все же истинную славу военному госпиталю приносят, конечно же, люди, чей самоотверженный труд в сочетании с душевной добротой, заботой, чувством сострадания так важен и необходим, и за который им так благодарны те, кому понадобилась их помощь. Много лестных слов звучит в адрес старшего ординатора подполковника медицинской службы Алишера Аламурадова, медицинских сестер младшего сержанта по контракту Гузаль Байбуриной и служащей Вооруженных Сил Зилолы Расуловой, врачей — кандидата медицинских наук Ольги Элизовой **(на нижнем снимке)**, Ларисы Григорьянц, Бахтиера Мананова и многих других, кто посвятил свою жизнь этой гуманной профессии.

Наступающий год, как известно, объявлен Президентом Узбекистана Годом здоровья. И в этом заложен глубокий смысл, ведь здоровые люди — это здоровое общество. Вместе с тем, данный факт накладывает особую ответственность на людей в белых халатах, которые в первую очередь несут ответственность за сохранение этого неоценимого богатства. И они осознают ее в полной мере, делая все во имя процветания и могущества страны.

Подполковник Ярослав КОРУКА. Фото автора.

● ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА

АБАДИЙ ЯШИЛЛИК ТИМСОЛИ

Арча ва қарағай ҳеч ҳам барг тўкмайдиган камёб дарахтлар тоифасига киради. Қадим даврлардан буён улар қишки қуёшсиз кунлар ва табиатнинг уйғониш фаслида абадий набо-

тот тимсоли бўлиб хизмат қилишган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ер юзи аҳолиси Янги йил тантаналарида унинг тимсоли ўрнида арчадан фойдаланади. Бу одат туғилиши ҳақидаги илк тарихий манбалар 1521 йилга тегишли. Арча шу даврларда уйлар атрофига ўрнатилиб, Янги йил келгунича қолдирилган. XVII аср бошида Янги йил арчалари олмалар, ширинликлар ва қоғоз гуллар билан безатилган. Чироқлар билан безатилган биринчи арча 1815 йилда пайдо бўлган.

● ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАДБИРЛАРИ

Таассуротларга бой учрашув

Маълумки, юртимиз бўйлаб Қуролли Кучларимиз 13 йиллигига бағишлаб оммавий ватанпарварлик тадбирлари кўплаб ўтказилмоқда. Айнан шундай тадбирлардан бири Тошкент ҳарбий округидаги сержантлар тайёрлаш мактаби (СТМ)да бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирни кўпроқ ижодий учрашув десак тўғри бўлса керак. Чунки, СТМга ташриф буюрган меҳмонлар айнан ижодкорлар, аниқроқ айтганда кино санъати вакилларидир.

Ижодий учрашув аввалида СТМ бошлиғи офицер Назиржон Саидов йиғилганларга меҳмонлар — шоир, журналист, Ўзбекистон Киночилар уюшмаси раҳбари Ўктам Мирзаёров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон киноарбоблар бирлашмаси раисининг муовини Турди Нодиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ражаб Адашев, театр ва кино актрисаси Зебо Наврўзоваларни таништирар экан, ўз ва ҳарбий жамоаси номидан ташриф учун чуқур миннатдорчилик билдирди.

Меҳмонлар чиқишларидан сўнг, посбонлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Ижодкорларнинг кино санъати вакиллари эканлиги юқорида таъкидланганди. Шундай экан, бу каби ижодий учрашувнинг мантиқий давоми йиғилганлар учун бадиий фильм қўйиб берилишидир.

Ёш ва иқтидорли режиссёр Ҳилол Насимов ижодига мансуб «Афанди ва Азроил» фильмининг намойиши барчада катта таассурот қолдирди.

Дарвоқе, СТМга ташриф буюрган Р. Адашев ва З. Наврўзовалар ушбу фильмда роль ижро этишган. Демак, томошабинлар нафақат ўзбек кино ижодкорларининг сўнгги маҳсулотларидан бири бўлмиш янги фильмни кўришди, балки бевосита унинг қаҳрамонлари билан мулоқотда бўлишди.

Севимли санъаткори билан учрашган мухлиснинг қувончи чексиз бўлиши аниқ. Бу каби мухлисларни курсантлар орасида ҳам кўплаб учратдик. Қуйида уларнинг айримлари билдириб ўтган самимий фикрларини келтирмоқчимиз.

Курсант Қозимбек Турсунбоев:

— Тўғрисини айтганда, кинога жуда қизиқаман. Айниқса, ўзбек киносида сўнгги йилларда кузатилаётган ижобий силжишлар шахсан мен учун жуда қувонарли. Ушбу фильмни ҳам мароқ билан кўрдим.

Курсант Воҳидиддин Расулов:

— Бу каби ижодий учрашувларнинг кўпроқ бўлишини хоҳлардим. Ахир улар маънавий озуқа, маданий ҳордиқ чиқариш учун хизмат қилади. Қолаверса, санъаткорлар ва биз каби мухлисларни янада яқинлаштиради.

— Ушбу тадбирдан олам-олам таассурот олдим. Ўйлайманки, сафдош дўстларим ҳам худди шундай фикрда.

Тадбирдан қайтаётиб, давлатимиз томонидан ҳарбий хизматчиларимизга бўлаётган катта эътиборни яна бир бора ҳис этдик. Чунки, бугунги кун ҳарбийси нафақат замонавий билимлар олишяпти, янги-янги техникадан фойдаланишяпти балки, бу каби учрашувлар орқали юртимиз маданий ҳаётидаги янги ижод намуналаридан бевосита хабардор бўлишмоқда.

Лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 1. Милтиқ милилининг ўлчами. 4. Пўлат ва қотишмалар тайёрлашда ишлатиладиган рангли металл. 8. Галоидларга мансуб кимёвий элемент. 9. Ақлий спорт ўйини. 10. Амал қилиш лозим бўлган қатъий қоида, тартиб. 12. Снаряд тайёрлашда ишлатиладиган портловчи модда. 13. Иззат, ҳурмат. 14. Чавандозлик мусобақалари ўтказиш иншооти. 15. Ҳарбий ишда қўлланиладиган ҳаво жанги. 18. Кичик дарё. 21. Зарбли асбоб. 23. Жўғрофиядан ўқув қуроли. 25. Европадаги энг қадимий пойтахт. 27. Тиниш белги. 29. Углеродларга мансуб кимёвий элемент. 30. Эрта тонг пайти. 31. Англия автомобили маркаси. 32. Идиш, рўзғор буюми. 35. Кишининг келиб чиқиши, зот. 36. Гўшт бўлаги. 37. Баъзи тури хонакилаштирилган, баргсиз тикан билан қопланган Америка чўллари гиёҳи. 38. Шарқнинг яна бир номи.

БЎЙИГА: 2. Илмни синаш тадбири. 3. Чин, ҳақиқат. 4. Хайр-садақа. 5. Жундан ёки жунга ипак аралаштириб тўқилган майин газлама. 6. Европадаги тоғ тизими. 7. Шеърият вазни тури. 11. Нашрга қўшимча маълумот. 16. Кристалланмаган модда ҳолати. 17. Асосан жанубий чегарадош давлатда яшовчи миллат. 19. Сунъий тола. 20. АҚШнинг шимолидаги штат. 24. Шашка ўйинидаги дона. 25. Халқ ижоди намунаси, ривоят. 26. Цирк артисти, спортчи. 27. Оила бунёд этиш маросими. 28. Ўтмишда йирик феодалга тобе бўлган феодал. 33. Ўқув машғулоти. 34. Финляндияда бир палатадан иборат қонун чиқарувчи орган, парламент.

БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДАН РАҚАМ АТРОФИГА: 22. Душман ҳақида маълумот тўплаш фаолияти.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 149-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА ВА ЁЙЛАР БЎЙИЧА: 1. Эскадрон. 6. Нептуний. 28. Вертолёт. 29. Доғистон.

БЎЙИГА ВА ЁЙЛАР БЎЙИЧА: 1. Эстакада. 6. Настарин. 18. Адъютант. 20. Розмарин.

ЁЙЛАР БЎЙИЧА: 2. Корт. 5. Прус. 26. Асал. 30. «Рост».

ЭНИГА: 7. Карнайгул. 11. Коса. 14. Ўлка. 15. Муродов. 16. Литий. 17. Морзе. 21. Чиғатой. 22. Юмор. 23. Азим. 27. Проводник.

БЎЙИГА: 3. Драп. 4. Узум. 8. Айвон. 9. Эскалатор. 10. Планеризм. 12. Рубидий. 13. Мотобол. 19. Жавзо. 24. Арат. 25. Чили.

Турфа олам

МАНА БУНИ НИКОҲ ДЕСА БУЛАДИ

Эквадорда ноанъанавий никоҳлардан бири бўлиб ўтди. Шу даражада ноодатийки, унинг асосида ажойиб бадиий асар яратса бўлади. Баба қишлоқчасида яшовчи тўрт нафар баҳодир қўшни оилада тарбия топган тўрт нафар опа-сингилларга уйланди.

Дарвин, Генри, Рунальфо ва Уильям Санчеслар Оливия, Роза, Келли ва Китти Сильваларни қонуний никоҳига олишди. Аввалбошданоқ хонадонбоши оталар ўзаро дўст бўлишиб, ўз фарзандларининг бошини қовуштиришни ният қилиб қўйишганди. Уларнинг оилалари «биродарлашган» бўлиб, байрам ва тантаналарни доимо ҳамкорликда ўтказган. Дастлаб Уильям ва Китти бир-бирини ёқтириб қолишган. Сўнгра учала ака-ука қолган опа-сингилларнинг кўнглини забт этишга киришишган. Ушбу ажойиб воқеа ҳақида ОАВ ходимлари хабар топишганларидан сўнг улар қишлоқчага келиб, ўз оиласини бутун мамлакатга машҳур қилган бу хонадонлар иштирокидаги теледастурни суратга олишди. Шунингдек, ноанъанавий оилавий жуфтликлар билан Гиннесснинг рекордлар китоби вакиллари ҳам қизиқиб қолишган.

(Интернет саҳифаларидан олинди).

Бош муҳаррир полковник Ирисмуҳаммад АБДУКАРИМОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: Бош муҳаррир ўринбосари — 56-17-98; масъул котиб — 56-04-60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56-02-51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими — 56-02-49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56-08-72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 56-03-48; социология ва реклама бўлими — 56-54-76.

Нашриёт ва босмахона бошлиғи—56-04-90; ҳисоб-китоб бўлими—56-03-82; обуна бўлими—56-03-46, буюртмалар бўлими—56-18-44; навбатчи—56-09-81.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Адади 16330. Буюртма № 0383.